СССР Давлат китоб палатаси
Нусха
Ташқаридан олиб кетиш мумкин
11.21 АПР. 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 71 (20. 938) 1991 йил 12 апрель жума ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йил ҳалол меҳнат қилгани, шаҳар йўловчилар транспортини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ва ижтимоий турмушда фаол қатнашгани учун:

қуйидаги ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими» фахрий унвони берилсин:

Дмитриев Павел Дмитриевич — 1-троллейбус депосининг бошлиғи

Рустамов Сувон — ҳайдовчи

Чуприн Евгений Михайлович — ҳаракатдаги состав хизматининг бошлиғи

қуйидаги ўртоқлар Ўзбекистон ССР Фахрий ёрлиқлари билан мукофотлансин:

Исҳоқов Илҳомжон Икромович — ҳайдовчи

Қўшоқов Файзулло Яминович — авария-тиклаш хизматининг шофёри

Маҳамадалиева Зеби — ҳайдовчи

Сатторов Анас Сатторович — электромонтёр

Хадиров Ҳасан Жумаевич — ремонт-қурилиш бошқармасининг иш прораби

Шамов Борис Георгиевич — ҳайдовчи

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 10 апрель.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Анъанавий миллий байрам — «Рўза ҳайити» муносабати билан ва меҳнаткашларнинг кўпдан-кўп талаб-истакларини эътиборга олиб:

1. Республика фуқароларига 1991 йил 16 апрелида уларнинг хоҳишига мувофиқ ишга чиқмасликка ва корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда хўжаликларнинг маъмурияти ва касаба уюшмалари комитетлари билан келишган ҳолда бу кунни кейинчалик ишлаб беришга рухсат этилсин.

2. Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР вазирликлари ва идоралари, бирлашмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари мазкур Фармоннинг биринчи банди бажарилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 11 апрель.

СССР Вазирлар маҳкамасида

1991 йилнинг май байрамлари кунларида меҳнаткашлар дам олиши учун қулай шароит яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида СССР Вазирлар Маҳкамаси 5 май якшанба дам олиш кунини 3 май жума кунига ва 12 май якшанба кунини 10 май жума кунига ўтказишга қарор қилди.

Айни вақтда корхоналар ва ташкилотларга тақчил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва бошқа мақсадларда, ишлаб чиқариш заруратига асосланган ҳолда касаба уюшмалари комитетлари билан келишиб 4 май дам олиш кунини иш кунига айлантириш ҳуқуқи берилди. Бу иш куни томонларнинг келишувига мувофиқ бошқа пайтда дам олиш куни бериш йўли билан ёки икки ҳисса пул тўлаш усули билан қопланади. Бу кун ходимнинг хоҳишига кўра йиллик таътилга қўшилиши ва унга дам олиш кунларидаги тартибда ҳақ тўланиши мумкин.

СССР ПРЕЗИДЕНТИ М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ РО ДЕ У БИЛАН БЎЛАДИГАН УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА

Эришилган аҳдлашувга мувофиқ СССР Президенти М. С. Горбачев Японияга расмий визити тугаганидан сўнг Ватанига қайтаётиб 19 апрель куни Корея Республикасининг Президенти Ро Де У билан учрашиш учун Чечжудо ороли (Корея Республикаси)да қисқа муддат тўхтайди.

БИЗНИНГ ГАГАРИН!

12 апрель— Космонавтика куни

Инсон номи мағрур жаранглайди. Бунинг учун ҳалол меҳнат, чуқур билим, метин ирода ва интизом талаб этилади. Ана шу сифатларни ўзида мужассамлаштирган одамнинг бахти тўкис, келажаги ёрқиндир.

Юрий Гагарин ана шундай бахтли инсонлардан бири эди. У ўзининг ақли, шуури, меҳнати, интилиши билан илк бор космосни забт этди, бепоён мамлакат, қитъа ва дунё аҳлининг ёрқин юлдузларидан бирига айланди, тарих саҳифасига ўзининг солномасини муҳрлади.

У республикамиз шаҳар ва қишлоқларини кезди, халқимизнинг фахрий меҳмони бўлди. Биз ҳар баҳор кезлари космосга илк бор инсон учганлигини бежиз нишонламаймиз. Бу кун ҳар бир байрамларнинг байрами, қувончли онларнинг сеҳрли лаҳзасидир.

Юрий Гагарин ўз табассуми билан одамлар қалбидан ўрин олган. У синов пайтида фожиали ҳалок бўлса-да қалбларда мангу барҳаётдир! Уни энг азиз инсон сифатида қадрлаб келдик ва қадрлайверамиз.

Бугун яна улуғ ва барҳаёт инсон ҳақида ҳикоя қиламиз.

(3-бетга қаранг).

АҚЛ-ИДРОК ВА ТОТУВЛИК ИТТИФОҚИ

ЮРИЙ ГАГАРИН КОИНОТГА ПАРВОЗ ҚИЛГАН КУННИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Юрий Гагарин коинотга парвоз қилган куннинг 30 йиллиги 10 апрель куни Союзлар уйининг Колонна залида нишонланди. Йиғилиш раёсатидан СССР Президенти М. С. Горбачев, СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, СССР Бош вазири В. С. Павлов жой олдилар.

Йиғилишни М. С. Горбачев кириш сўзи билан очди. У бундай деди:

Азиз ўртоқлар! Ҳурматли меҳмонлар!

Биз сиз билан мамлакатимиз турмушидаги ва ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бутун инсоният маърифати тарихидаги буюк воқеани нишонлаш учун бу ерга тўпландик.

Бундан 30 йил муқаддам, баҳорнинг апрель кунларидан бирида Совет Иттифоқи фуқароси Юрий Алексеевич Гагарин инсоннинг коинотга парвозлари даврини бошлаб берди.

Гагарин шахсий жасоратининг тарихини атиги бир-икки жумла билан баён этиш мумкин: Россиянинг Ноқоратупроқ зонасида туғилиб ўсган ишчи ўсмир ажойиб учувчи бўлиб етишди. Жаҳон олий даражасидаги энг янги техникани эгаллади. Ниҳоят Совет Қозғистони кенгликларида бунёд этилган «Бойқўнғир» космодромидан парвоз қилиб, ердан кўз кўриб қулоқ эшитмаган баландликка кўтарилди ва сайёрамизни атиги 108 дақиқада айланиб чиқди.

Ўша пайтда кўпчилик «Рус мўъжизаси» деб ҳисоблаган бу воқеа аслида Циолковский, Королев, Келдиш ва Ватанимиздаги бошқа кўплаб машҳур олимлар ҳамда конструкторлар ижодий фикри парвозининг қонуний давоми бўлди. Бу яна ўн ва юз миллаб инженерлар, техниклар, ишчилар, амалда барча фан тармоқлари мутахассислари тинимсиз ижодий меҳнатининг натижаси ҳам бўлди.

Гагариннинг парвозида кўп миллатли бутун совет халқимизнинг буюк жасоратларидан бири ўз ифодасини топди. Бугун бу ҳақда эслатиб ўтиш икки баравар жоиздир. Зеро, биз кимлардир жуда хоҳлаганидек «аждодлари кимлигини эслолмайдиган Иван»га ўхшай олмаймиз. Буюк мамлакат халқининг қудратига ишончни, ватанпарварлик руҳини, Ватанимиз қудрати ва шуҳратини бунёд этганлар хотирасига миннатдорчилик туйғусини ҳеч ким сўндира олмайди! Совет космонавтикаси жаҳонда тан олинган фан, техника, саноат маҳсули сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакат илмий-техникавий тараққиётининг ана шу етакчи йўналишини ривожлантиришга дахлдор бўлганларнинг барчасига катта раҳмат!

Ватанимиз ўзининг барча фазогирларидан ниҳоятда миннатдор. Ҳар биринг изга саломатлик ва мардлик тилайман, қадрли ўртоқлар! Сизларнинг рафиқаларингизни, оилаларингизни, барча қариндош-уруғларингиз ва ёр-биродарларингизни Космонавтика куни билан қизғин табриклайман!

Бизнинг эзгу-тилакларимиз ҳозир Ер атрофидаги орбитада ишлаётган Виктор Афанасьев билан Муса Маноровга ҳам етиб боради, деб умид қиламан. Мана шу тантанали залдаги қутловларни улар ҳам эшитишсин.

Ракета-коинот техникасининг ажойиб фахрийларидан бениҳоя миннатдормиз!

Космонавтика эришган ютуқлар бизнинг кундалик турмушимиздан мустаҳкам ўрин олди. Булар—алоқа ва телевидениенинг фазовий системалари, геодезияда, геологияда, метеорологияда, навигацияда фазовий аппаратлардан фойдаланишдир.

Космонавтиканинг бугунги ва эртанги куни — бу янги дори-дармонлар, электроника учун ниҳоятда тоза материаллар, композиция материаллари олишнинг энг янги технологиялари, экология мониторинги, Қуёш энергиясидан фойдаланишнинг янги қоидаларини ўзлаштириш ва кўплаб бошқа имкониятлардир.

Космонавтиканинг муваффақиятлари, халқ хўжалигининг турли соҳаларида у келтираётган фойда — булар барча республикаларнинг, бизнинг Совет Иттифоқидаги ҳамма халқларнинг ҳамкорлиги самараси ва умумий мулкидир.

СССР Президенти сифатида космонавтика мамлакатимиз ишончини мудофаа қилишга, қурол-яроғларни қисқартириш ва ишонч тадбирлари тўғрисидаги халқаро битимлар қандай бажарилаётганлигини назорат қилишга катта ҳисса қўшаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишим керак.

Бизнинг фазовий фанимиз ва техникамиз ҳозир халқаро ҳамкорлик учун ҳар вақтдагидан ҳам кенг очиқ. Совет Иттифоқи барча мамлакатлар БМТ хомийлигида коинот билан боғлиқ ахборотларни олиш тарафдори ва у бунинг учун ўз имкониятларини ишга солишга тайёр.

Биз Америка Қўшма Штатлари, Европа мамлакатлари, Хитой, Ҳиндистон ва Япония билан, амалда барча манфаатдор давлатлар ва ташкилотлар билан биргаликдаги фазовий тадқиқотларни давом эттириш ва ривожлантириш тарафдоримиз.

Шу муносабат билан биз нишонлаётган тантанада кўпгина чет мамлакатлардан келиб иштирок этаётган фазогирлар ва астронавтларни самимий, чин қалбдан қутлайман!

Халқаро ҳамкорлик истиқболлари барча томонлар учун манфаатлидир. Айниқса бизнинг мудофаа комплексимизнинг бир қанча етакчи тармоқлари ихтиёридаги жуда катта ақлу зиё ва ишлаб чиқариш имкониятлари конверсия қилиниши муносабати билан бундай ҳамкорлик янада манфаатлироқдир. Масалан, ниҳоятда қудратли ва экология жиҳатидан соф «энергия» ракетаси ёрдамида бунёд этилиши мумкин бўлган ишончли ҳамда кўпчилик фойдалана оладиган телефон ва радиоалоқа учун мўлжалланган фазовий платформалардан, универсал ахборот системаларидан чет эллик шериклар билан биргаликда фойдаланиш имкониятлари тўғрисида айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Халқаро коинот куни арафасида Совет Иттифоқининг фазовий фани, техникаси ва саноатига давлат ва жамоатчилик томонидан зарур ёрдам берилса, тинчлик шароитида бизнинг халқимизга, қолаверса бошқа халқларга ҳам инсон турмушининг барча соҳаларида тобора сезиларлироқ фойдали натижалар бера олишига ишонч билдиришни истардим.

Королев бошчилик қилган конструкторлик бюросининг вориси бўлган «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конструктори Ю. П. Семёнов маъруза қилди.

Шундан кейин йиғилишда «Интеркосмос» кенгашининг раиси академик В. А. Котельников, СССР фазогиручучвиси авиация генерал-полковниги Г. С. Титов, дастлабки фазогир аёл, ҳозир эса чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамияти уюшмаси раёсатининг раиси В. В. Терешкова, «Энергия» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари С. Л. Русаков сўзга чиқдилар. Залда илмий-тадқиқот орбитал комплекси экипажининг аъзолари Виктор Афанасьев билан Муса Манаров йўлланган ва магнит лентасига ёзиб олинган табрик сўзлари янгради.

Йиғилиш сўнгида уни бошқариб борган СССР Бош вазирининг ўринбосари Ю. Д. Маслюков ўз меҳнати билан фазовий техникани яратган ва Ватанимиз шуҳратини мустаҳкамлаганларнинг барчасини байрам билан яна бир бор табриклади.

В. БЕЗБРЕЖНИЙ,
Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС мухбирлари.

20 апрель — умумхалқ ҳашари кўни

ИШЧИ ЭҲТИЁЖИГА САРФЛАНАДИ

— Бизнинг корхонамизда бозор иқтисодиёти шароитида ишчи ва мутахассисларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида аниқ тадбирлар кўрила бошланди, — дейди Тошкентдаги Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори ўринбосари А. Страшков. — Бунда корхона маъмуриятига ишчилар, мутахассисларнинг ўзлари ёрдам бермоқдалар. Бу ишнинг бошида жамоат ташкилотлари турибдилар.

Бирлашма меҳнат жамоаси вакиллари март ойида ҳашар ўтказиб, ундан тушган маблағни ишсизликдан муҳофазалаш жамғармасига ўтказиш таклифи билан чиқишганди. Демоқчимизки, электр аппаратчилар бозор иқтисодиёти шароитида халқ эҳтиёжини ўйлаб, амалий ишларни бошлаб юбордилар. Республика жамоат ташкилотларининг 20 апрель куни умумхалқ ҳашарида фаол қатнашишга даъвати ҳам бирлашма цехларида кенг қўллаб-қувватланди.

Жумҳуриятда ўтказиладиган умумхалқ ҳашари куни бирлашма хизматчилари корхона ҳудудидаги майдонларни ва ён-атроф кўчаларни ободонлаштиришади, чиқиндилардан тозалаб, тартибга келтиришади.

Албатта, цехлардаги дастгоҳларда ҳам маҳсулот тайёрланади. Ишлаб топилган маблағ ишчилар ошхонасида тайёрланадиган таомлар таннархини арзонлаштиришга, ишчиларни ижтимоий муҳофаза этишга ва бошқа эҳтиёжларга сарфланади.

Ж. УМИДЖОНОВ.

ҚИЗҒИН ПАЛЛА

Тошкент вилояти хўжаликларида чигит экиш қизғин паллага кирди. Агар ҳаво очиқ бўлиб турса, 15—20 апрелгача кўп жойларда барака уруғи экиш ниҳоясига етказилади. Пискент райони далаларида эса шу пайтгача 1500 гектарга яқин майдонга асосан С—6524 ва С—4880 навли пахта чигити экиб бўлинди. «Гулистон», Охунбобоев номли, Свердлов номли жамоа хўжаликларида, айниқса, бу юмушлар намунали ташкил қилинган. Ерлар яхши текисланганлиги, техника сифатли созланганлиги туфайли мазкур хўжаликларда кунлик экиш режаси 12—13 фоизни ташкил қилмоқда.

Район хўжаликларида бошқа экинларни ўз муддатида экишга ҳам жиддий эътибор берилаётир. Озуқа экинларидан — беда, макка дони, лавлаги ва шу сингарилар экиб бўлинди. Сабзавот экиш ниҳоясига етай деб қолди.

Боғ ва токзорларда ҳам иш суръати баланд. Янгидан 102 гектар майдонда боғ бунёд этилди. Токлар очиб бўлинди. Бағазларга боғлаш тугалланиш арафасида.

А. МАННОПОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• *Президент номига келган хатлардан*

● БАҲОР ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ — НАВРЎЗ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖУМҲУРИЯТ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ «СССР ҲАРБИЙ ҚИСМЛАРИДА ХИЗМАТНИ ЎТАЕТГАН БАРЧА ЙИГИТЛАРИМИЗГА» ЙЎЛЛАГАН ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ ЎЗБЕКИСТОН ЖАНГЧИЛАРИДА ЗЎР ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ.

Табрик хати ўғлонларимизга она юрт соғинчи ва меҳр-муҳаббатга тўла қайноқ саломни олиб келди. Уларнинг беғубор, навқирон қалбларида мурувват, дўстлик ва биродарлик, ҳамжиҳатликка, меҳр-шафқатга чорловчи гўзал туйғуларни жўш урдирди. Уларни она Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчларини садоқат билан ўташга, ҳарбий билимни эгаллаш ва сиёсий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришишга даъват этди.

Табрик телеграммаси Наврўзи олам арафасида Қизил байроқли Қораденгиз Флотининг «Флаг Родини» рўзномасида босилди. Шу муносабат билан денгизчиларнинг ҳарбий-сиёсий бўлими ўзбекистонлик жангчилар слётини ўтказди. Унда қисқача нутқ сўзлаган капитан Ю. С. Тараринев ўзбекистонлик денгизчиларни Наврўз байрами билан табриклади. Уларнинг оғир, аммо шарафли ишларида муваффақиятлар тилади. Республика раҳбарияти томонидан ўзбекистонлик жангчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан беҳад хурсандлигини таъкидлади.

— «Биз, ўз ватандошларимиздан, республикамиз раҳбариятидан шунинг учун ҳам миннатдормизки, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан турли қийинчиликлар юз бераётган мураккаб шароитларда ҳам улар бизни унутишаётгани йўқ, — дейилади Қора денгиз флоти сув ости кемалари қўшилмасининг денгизчилари гуруҳи Президент И. А. Каримов номига йўллаган миннатдорчилик хатида.

— Биз Сизларга шуни маълум қиламизки, ўз бурчимизни ҳалол бажарамиз. Ота-оналаримизнинг Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳақидаги наказларини доимо ёдда сақлаймиз. Жамоамиз аҳил ва кўп миллатли. Кўп вақт ўлкамиздан, ўз қадрдон хонадонимиздан узоқда бўлишга тўғри келаётган бўлса ҳам халқимизнинг энг яхши анъаналарини ва урф-одатларини сақлаб қолишга ва уларни кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз. Уларнинг асосий мазмуни — бир-бирига ҳурмат ва Ватанга ҳалол хизмат қилишдир. Ваҳолонки, ҳозирги кунда СССР Қуролли Кучлари, чунончи Ҳарбий-денгиз флоти дахлсиз кимсалар томонидан обрўсизлантиришга уринилмоқда. Бизнинг ишимизда, ҳарбий хизматчиларни байналмилал руҳда тарбиялаш борасида қисм ва бўлинмаларда кўпгина ижобий тажрибалар тўпланган.

Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларни, республикамизда рўй бераётган ўзгаришларни мунтазам кузатиб бормоқдамиз. Халқимиз муваффақиятларидан қувонамиз. Сув ости кемаларида хизмат қилаётган кўпчилик денгизчилар ўз бурчларини ҳарбий қасамёд, ҳарбий устав, СССР Конституцияси талаблари даражасида бажармоқдалар. Биз бундан буён ҳам юртимиз наказини, она-Ватан олдидаги бурчимизни ҳалол бажарамиз.

Ўзбекистон ҳудудида яшаётган барча халқлар дўст, осойишта ва аҳил яшаши тарафдоримиз. Бепоён осмонимиз беғубор ва мусаффо бўлишини истаймиз».

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

БУРЧ ДАЪВАТИ

ҲАҚИҚАТ КУЙЧИСИ

Тошкентда, «Баҳор» томошахонасида бўлган тантанали кеча миллий бадиий насримизнинг асосчиларидан бири Абдулла Қодирий хотирасига бағишланди.

Хотира кечасини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Одил Ёқубов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапирди.

Кечада сўзга чиққан шоирлардан Шукрулло, Эркин Воҳидов, филология фанлари доктори Матёқуб Қўшчонов Абдулла Қодирий ўзбек совет адабиёти тамал тошини қўйган устозлар сафида туришини алоҳида таъкидлашди.

Ёзувчининг ўғли Маъсуд Абдуллаев отаси ҳақида ёдида қолган, қалбларни тўлқинлантирувчи воқеаларни эслади.

Кечада Ўзбекистон санъат усталарининг чиқишлари бўлди. Абдулла Қодирийнинг катта расми ўрнатилган саҳнага чиққан ҳар бир киши санъаткор хотирасига чуқур ҳурмат бажо этишни ўзининг бурчи деб ҳисобларди. Кечада Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров қатнашди.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
ЎзТАГ мухбири.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни

СССР ВАЗИРЛИКЛАРИ ВА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ БОШҚА МАРКАЗИЙ ИДОРАЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонунда СССР Конституциясига биноан СССР вазирликлари ва давлат бошқаруви бошқа марказий идораларининг рўйхати белгилаб берилади.

1-модда. СССР вазирликлари

Қуйидагилар СССР вазирликларидир:

Авиация саноати вазирлиги,

Автомобиль ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги вазирлиги,

Атом энергетикаси ва саноати вазирлиги,

Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги,

Ички ишлар вазирлиги,

Геология вазирлиги,

Фуқаро авиацияси вазирлиги,

Соғлиқни сақлаш вазирлиги,

Ташқи ишлар вазирлиги,

Ахборот ва матбуот вазирлиги,

Маданият вазирлиги,

Металлургия вазирлиги,

Денгиз флоти вазирлиги,

Нефть ва газ саноати вазирлиги,

Мудофаа саноати вазирлиги,

Мудофаа вазирлиги,

Умумий машинасозлик вазирлиги,

Моддий ресурслар вазирлиги,

Табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги.

Темир йўл вазирлиги,

Радио саноати вазирлиги,

Балиқ хўжалиги вазирлиги,

Алоқа вазирлиги,

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги,

Махсус қурилиш ва монтаж ишлари вазирлиги,

Кемасозлик саноати вазирлиги,

Савдо вазирлиги,

Транспорт қурилиши вазирлиги,

Меҳнат ва ижтимоий масалалар вазирлиги,

Кўмир саноати вазирлиги,

Молия вазирлиги,

Иқтисодиёт ва истиқболни аниқлаш вазирлиги,

Электрон саноати вазирлиги,

Электр техника саноати ва асбобсозлик вазирлиги,

Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги,

Адлия вазирлиги,

Кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати вазирлиги.

2-модда. СССР Давлат бошқаруви бошқа марказий идоралари

Қуйидагилар СССР вазирлари бошчилик қиладиган СССР Давлат бошқаруви марказий идораларидир:

Давлат хавфсизлиги комитети,

Давлат озиқ-овқат ресурсларини харид қилиш комитети,

Давлат ўрмон комитети,

Давлат машинасозлик комитети,

Давлат халқ таълими комитети,

Давлат фан ва технология комитети,

Давлат миллий масалалар комитети,

Давлат ҳисоб комитети,

Давлат қурилиш ва саноат комитети,

Давлат кимё ва биотехнология комитети.

3-модда. СССР Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари

СССР Вазирлар Маҳкамасида тармоқларнинг гуруҳларини ва халқ хўжалиги мажмуаларини бошқариш учун қуйидаги комиссиялар ишлайди:

Давлат ҳарбий-саноат комиссияси,

Давлат ёқилғи-энергетика комиссияси,

Давлат фавқулодда вазиятлар комиссияси.

4-модда. СССР давлат бошқаруви жумҳуриятлараро идоралари

Мамлакатда валюта сиёсатини Иттифоқ-жумҳурият валюта комитети амалга оширади. Бозор иқтисодиётига ўтишга оид ўзаро боғлиқ тадбирлар мажмуини республикалар билан мувофиқлаштириб ишлаб чиқиш ва изчиллик билан амалга ошириш давлат иқтисодий ислоҳот кенгаши томонидан таъминланади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил, 1 апрель.

СССР Олий Кенгашининг қарори

«СССР ВАЗИРЛИКЛАРИ ВА СССР ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ БОШҚА МАРКАЗИЙ ИДОРАЛАРИ РЎЙХАТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ СССР ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

СССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «СССР вазирликлари ва СССР давлат бошқаруви бошқа марказий идоралари рўйхати тўғрисида»ги СССР Қонуни қабул этилган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2. Тугатиладиган ва қайта тузиладиган вазирликларнинг ҳамда СССР давлат бошқаруви бошқа марказий идораларининг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари ишларни топшириш даврида ўзларининг хизмат вазифаларини бажариб турадилар ва тегишли идораларнинг ўз вазифаларини бажаришлари учун жавоб берадилар, аммо бу давр уч ойдан ошмаслиги керак.

3. СССР Вазирлар Маҳкамаси тугатиладиган ва қайта тузиладиган СССР вазирликлари ва давлат бошқаруви бошқа идоралари қарамоғидаги мол-мулкдан, шу жумладан, бинолар, иншоотлар, пул ва валюта маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги масалани СССР Олий ҳакамлик судини хизмат бинолари билан ва мол-мулк билан таъминлаш зарурлигини ҳисобга олиб, ҳал қилсин.

4. СССР Вазирлар Маҳкамаси 1991—1992 йиллар давомида ишлаб турган давлат идоралари ва ташкилотлари негизида давлат корпорациялари, концернлар, холдинглар, хўжалик уюшмалари, акционерлик бирлашмалари (жамиятлари)ни, бозор типидаги бошқа тузилмаларни ташкил этиш ишини ўтказсин.

Мазкур топшириқ бажарилганлиги ҳақида СССР Олий Кенгашига 1992 йилда маълумотнома тақдим этилсин.

5. СССР Президенти:

Мазкур Қонунда кўрсатилган СССР давлат бошқаруви идораларини Умумиттифоқ ва Иттифоқ-жумҳурият идоралари қилиб белгилаш ҳақида, шунингдек, уларнинг янги Иттифоқ шартномаси лойиҳасида таърифланган қондаларини эътиборга олиб, ССР Иттифоқи ва жумҳуриятларнинг биргаликда бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул этиш механизми ҳақидаги таклифларни СССР Олий Кенгашига тақдим этсин;

1991—1992 йиллар мобайнида СССРнинг тегишли вазирликларини қайта тузиб, уларни бозор типидаги бирлашмаларга ва корхоналарнинг уюшмаларига ҳамда бошқа тузилмаларга айлантириш тўғрисидаги таклифлар киритсин.

6. СССР Вазирлар Маҳкамасига Жисмоний тарбия ва спорт комитети, кинематография комитети, Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва таъмирлаш комитети, Фахрийлар ва ногиронлар ишлари комитети, Оила ва аёллар ишлари комитети, Ёшлар ишлари комитетини, Давлат экология жамғармасини тузиш тавсия қилинсин.

Жумҳуриятларнинг муроожаатлари муносабати билан СССР Вазирлар Маҳкамаси Енгил саноат ва халқ истеъмоли моллари комитетини тузиш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масаланы кўриб чиқсин.

СССР Олий Кенгашининг Раиси

А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1991 йил, 1 апрель.

ПОРТУГАЛИЯЛИК МЕҲМОНЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

Ташқи ишлар комиссияси раиси жаноб Педро Разета бошчилигидаги Португалия Республикаси мажлиси делегацияси Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлиб турди.

Меҳмонлар Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар, шаҳар меъморчилиги билан яқиндан танишдилар. Улар В. И. Ленин номидаги метрополитенни, СССР Халқлари дўстлиги саройини, «Шарқ гули» Тошкент бадиий ишлаб чиқариш бирлашмасини ҳамда Р. Р. Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини бориб кўришди.

Португалиялик меҳмонлар Самарқандга сафар қилдилар. Шаҳарнинг тарихий обидалари билан танишдилар. Улар қоракўлчилик Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтида ҳам бўлдилар.

(ЎзТАГ).

Деҳқончилик саноати: тажриба ва муаммолар

— «Ун гектар майдоннинг ҳар гектаридан 14,3 центнердан беда уруғи етиштирдик, ҳозир омборхонамизда 9 тоннадан ортиқ сифатли беда уруғи бор!».

Қишлоқ хўжалик экинлари уруғчилигига бағишланган республика семинар-кенгашида сўзга чиққан Ворошилов районидаги К. Маркс номли колхоз бош агрономи Турдибек Эшмирзаев ана шу гапни айтди.

НАМУНА БЎЛАРЛИ

Бу хабар бизни қизиқтириб қўйди. Кўп ўтмай Сирдарёга ошиқдик. Хўжалик раиси Абдукарим Пардабоев омборхонадаги беда уруғини кўрсатди.

Оғирлиги 45—50 килограмм келадиган қоплардаги уруғ қуйидан ҳаво ўтиб турадиган ёғоч тагликка бир текис, устма-уст тахланган. Бош агрономнинг айтишича, бу ерда тахланган қоплар илгари ота-боболаримиз қўллаб келган усулда, маълум вақтда ости-устига қилиб, ағдарилиб турилар экан. Шунда у шамол тегиб, намликдан сақланаркан.

— Мен аввал РАПОда бош агроном эдим, — дейди бош агроном Турдибек Эшмирзаев. — Бу ерга келгач, ишни уруғни яхшилашдан бошладим. Бизда беда ҳосилдорлиги, айниқса паст эди. Шу боис ўзимизда «қўлбола» уруғ етиштириш фикри мени доим ўйлантириб юрди. Тошкент вилоятининг Оққўрғон районидаги хўжаликлардан беда уруғининг «Тошкент-I» навидан олиб келдим. Шунда колхозимизнинг уста деҳқонларидан бири Абдуғаффор ака ташаббус билан чиқди.

— Мен, аввал, соғлом беда етиштиришни ўйладим, — суҳбатга қўшилди Абдуғаффор Абдуллаев. — Уруғлик соғлом бўлсагина ҳосил яхши бўлади. Уруғлик эса ҳар қандай бедадан олинавермайди. Юқори ҳосил берган бедани уруғликка ажратиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, уруғлик етиштириладиган майдонлар унумли бўлиши керак. Биз деҳқончилик қилаётган ерлар ана шу талабга жавоб беради. Бу жойни суғориш қулай, чунки катта ариққа яқин. Ер пахтадан бўшагач, уч марта текисладик. «Ҳадеб техникани овора қилаверманг», дейдиганлар ҳам чиқди. Лекин раисимиз мени қувватлади. Негаки, унинг ўзи ҳам менга ўхшаб бригадир бўлганди-да.

Яхши текислашнинг афзаллиги шуки, экин маромида суғорилади. Ваҳолонки, қаерда сув тўпланиб қолса, ўша жойда бегона ўт ўсадида. Демак, ҳосилга путур етади. Яхшилаб текислангач, гектарига 500 килограммдан суперфосфат, 150 килограммдан калий ўғити сепдик. Пайкал қишда икки марта чилла сувига қондириб суғорилади. Кейин 60 сантиметр схемада жўяк олдик.

Эрта баҳорда гектарига 12 килограммдан уруғ сепдик. Икки кунда экиб бўлинди. Кейин чизелладик. Бу билан ҳашаротнинг ини бузиб юборилди.

Ниҳоллар ернинг намига униб чиқди. Апрелнинг бошида енгил сув бердик. Далада тўрт кун туриб қуригач, тракторчилар ака-ука Исроил ва Исмоил Эшмуродов, Хайриддин Сирочов уч кунда саранжом қилишди. Биринчи ўримда гектаридан 20 центнердан қуруқ беда олинди. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи ўримда 25 центнердан қуруқ пичан олинди.

Шундай қилиб, биринчи йили ҳар гектар майдондан 90 центнердан қуруқ беда олдик.

Иккинчи йили эрта баҳорда, февралнинг охирида гектарига 400—500 килограммдан суперфосфат солиб, кўндалангига борона қилдик, апрелнинг ўртасида сув бердик. 1 майдан ўримга тушдик ва биринчи йилдагидек жараёнда ўриб-йиғиб олдик. Қуруқ беда ҳисобида 60 центнердан ҳосил олдик. Иккинчи ўримда 50 центнердан пичан олдик. Хуллас, иккинчи йил давомида олган ҳосилимиз 180—200 центнердан тўғри келди. Агар октябрда бедани кўклигида ўриб, даладан тўғри фермага жўнатганимизни қўшиб ҳисобласак, гектаридан 215 центнердан пичан олган бўламиз.

Эндиликда шу 10 гектар ерни уруғлик беда олиш учун ажратдик. Шу мақсадда ноябрнинг биринчи ўн кунида бир ярусли плуг билан 20—22 сантиметр чуқурликда ҳайдадик. Ҳайдашнинг сабаби бедани сийраклаштиришдир. Натижада беда икки баравар камайиб, бир квадрат-метрда 60 туп кўчат қолади. Ҳайдаш олдидан эса, гектарига 500 килограммдан суперфосфат ва 150 килограммдан калий ўғити солдик. Баҳорга келиб, беда 5—7 сантиметр ўсгандан сўнг уни цумицидин билан дориладик. Бу фитаномус қўнғизига қарши кимёвий курашдир. Дорилаш мартнинг биринчи беш кунига тўғри келди. Апрелнинг биринчи ўн кунида гектарига 700 кубметрдан сув бердик. Июнь ойига келиб бедамисан беда бўлди. У гуллай бошлагач, бедапоя ёнига асаларичилар келишди. Асаларилар беданинг яхши чангланишига ёрдам берди.

Июлнинг ўрталарига келиб, беда 65—70 фоиз пишиб, унинг уруғи сариқ рангга кириб, қота бошлади. Ўримни эрталаб соат 5 дан 11 гача бажардик. Агар ўрим куннинг иссиғига қолиб кетса, уруғлар тўкилиб, исроф бўлади. Шунинг учун нам кўтарилмасдан ўрдик. Тракторчи Ренат Тагиров бу ишда зўр ғайрат кўрсатди. Ўрилган беда 5—7 кун далада қолдирилди. Бригада аъзоларидан Абдуқаҳҳор Абдуллаев, Нишонбой Абдуллаев, Рауф Жабборовлар ўрилган бедани вақти-вақти билан ағдариб туришди. Қуриган бедалар «КПС—5» ва «Нива» комбайнлари билан соат 12 дан 17 гача янчилди. Даланинг ўзида ғалвирдан ўтказилиб, қопланди. Кейин у район марказига олиб борилиб, магнитдан ўтказилди. Бу ишларнинг ҳаммаси зудлик билан ўн кун ичида бажарилди. Пировард натижада ўн гектар ердан олинган 14 тоннаю 300 килограмм сифатли беда уруғи колхоз омборига тушди.

— Шу билан иш тугадими?

— Йўқ. Августнинг бошида бедани суғордик. 15 сентябрда уни ўриб, гектаридан 50 центнердан қуруқ беда-пичани олиниб, кейин шудгор қилинди. Беда ернинг ҳолатини яхшилаши дарҳол кўринди. Ўтган йили бу ерга чигит экилиб, 34 центнердан ҳосил олинди. Бу йил ҳам ўтган икки йилда ҳосили яхши бўлган ўн гектарлик бедазор уруғ олиш учун ажратилди. Агротехника ва технологияга келганда юқорида баён этилган ўз тажрибамизни қўллаймиз.

Бош иқтисодчининг ёрдамчиси Жалолхўжа Эшонқулов таъкидлаган мана бу рақамлар диққатимизни ўзига тортди:

— Мана шу 10 гектар беданинг ҳар гектаридан 4 минг 100 сўм соф даромад олинган. Беда уруғи етиштирилганида эса гектаридан 15 минг 500 сўм соф фойда кўрилибди. Беда уруғининг таннархи режалаштирилганидан уч баравар арзон бўлишига эришилган. Демак, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларга таяниб, режали иш қилган деҳқон уруғ етиштиришдан зарар эмас, фойда кўриши мумкин экан.

Қўшни хўжаликлар, жумладан, Пахтакор районидаги Ульянов номли совхоз ҳамда уруғчиликка бағишланган республика семинар-кенгашида қатнашган бошқа вилоятларнинг вакиллари ҳам бу уруққа харидор бўлишяпти.

Бироқ ҳали бедачиликда муаммолар кўп. Беда экадиган сеялкалар йўқ. Агар бўлганида бир гектар ерга мана шу уруғнинг 12 килосини эмас, 2,5 килосини экиш кифоя эди. Мавжуд мослаштирилган экиш техникасида камчилик кўп. Уруғчиликка бағишланган семинар-кенгашда таъкидланганидек, айримлар гектарига 20—25 килолаб беда уруғи экишяпти. Бу исрофгарчиликка чек қўйиш, экиш техникасини яратувчи олимларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

И. МАНСУРОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги етакчи мутахассиси.

● Тошкент вилояти, Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» давлат хўжалигининг Султон Пўлатов бошлиқ бригадаси аъзолари 25 гектар майдонга кўкпоя учун маккажўхори экишди. Уларнинг нияти — ҳар гектар майдондан 300—350 центнердан кўк озуқа олиш.

Суратда: бригада бошлиғи С. Пўлатов билан хўжалик партия комитетининг котиби Ф. Шеров навбатдаги режалар хусусида фикрлашмоқдалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ туширган сурат.

● Бўлунғур районидаги Ҳ. Олимжон номли давлат хўжалиги жамоаси ўтган йили режадаги 2960 тонна ўрнига 3400 тоннадан знёд узум етиштирганди. Мирзиқорларнинг бу йилги режаси ҳам улкан. Улар айни кунларда токларни очиш, уларни симбағазларга кўтариш ишларини тезкорлик билан амалга оширмоқдалар.

Суратда: тўртинчи бригада аъзоларидан Ойзода Жонзоқова ва Мавлуда Мелиева токларни симбағазларга кўтармоқдалар.

Т. ДАВЛАТОВ туширган сурат.

ЕР — ЖАМОА МУЛКИ

Арсиф қирлари этакларидаги боғлару далаларда ҳаёт қайнайди.

Қува тупроғи баҳорни интиқлик билан кутиб олди. Бир вақтлар Бобурни ҳайратга солган сўлим анорзорлар танасига кучқувват тўпламоқда, райондаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» жамоа хўжалигида тайёргарлик кенг тус олган. Хўжалик аъзоларининг келажакдан умид-ишончлари катта. Зеро, вилоятда машъал бўлиш ҳам фахрли, ҳам масъулиятли эканлиги бу ерда ҳар бир кишига яхши аён.

Кейинги пайтда жамоа хўжаликларида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун нобоп усул —ерни одамларга шахсий мулк қилиб бериш билангина қолоқликдан, танг вазиятдан чиқиш мумкин, деган гап-сўзлар ўрмалаб қолди. Чиндан ҳам шундаймикин? Буни ҳар бир қарич ер ҳисобда бўлган Ўзбекистон шароитига тадбиқ этиш қандай бўларкин?

Аҳоли сони кўп, ер танқис кўп мамлакатларда экин майдонларини шахсий мулк қилиб беришдан воз кечиляпти. Уларнинг айримларида суғориладиган ерларнинг 90 фоизидан ортиғи давлат мулки ҳисобланади. Бу ерлар деҳқонларга, кооперативларга ижарага берилади. Деҳқонлар мамлакатни бемалол боқиб, кийинтиришяпти. Шундай экан, жамоа хўжаликларини бузиб юборишга ҳаракат қилиш ўринлими?

«Коммунизм» жамоа хўжалиги тажрибаси ҳақиқий деҳқон ҳар қандай шароитда ҳам ерга ўз муносабатини ўзгартирмаслигини кўрсатяпти. Ўтган йили хўжалик аъзолари ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Экин майдонлари қарийб етти юз гектарга камайди — бу ерлар уй-жой ва томорқа учун ажратиб берилди. Лекин пахта, мева-сабзавот, полиз ва бошқа хил маҳсулотлар етиштириш, давлатга сотиш план, топшириқлари ошириб бажарилди. Ялпи пул даромади қарийб тўққиз миллион сўмни, жумладан, соф фойда бир миллион 845 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Чорвачилик ҳам чакки эмас. Ҳозирнинг ўзида давлатга 51 тонна гўшт сотилди. Бундан хўжалик кассасига 253 минг сўм пул келди. 1990 йил пахта толаси ва бошқа манбалардан тушган бир миллион 77 минг сўмни ҳам қўшиб ҳисоблаганда колхоз кассасида қолган умумий маблағ тўрт миллион сўмдан ошиб кетди. Бу маблағнинг икки миллион сўмдан зиёди хўжалик аъзоларига қўшимча ҳақ сифатида тақсимлаб берилди. Бунга қандай эришилди? Аввало, сарф-харажатларни назорат қилишнинг чек формаси кенг жорий этилиши ҳамда ижара пудрати изчил йўлга қўйилаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Хўжаликнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишидаги кўпгина кўрсаткичлари беш йиллик бошидаги маълумотлар билан таққосланса, ажойиб ҳолат кўзга ташланади. Ҳар бир колхозчининг ойлик иш ҳақи 1985 йилдаги 105 сўмдан ўтган йили 176 сўмга етди. Уруш ва меҳнат ветеранларига кўрсатилаётган ёрдам ҳар қачонгидан кўпайди, мактаб ўқувчиларининг бепул нонуштаси учун кўп миқдорда сут ажратиляпти. Хўжалик ишлаб чиқаришида кўп йил меҳнат қилган ветеранлардан 168 кишининг пенсиясига 48 минг сўм, муҳтож оилалар ва ногирон кишиларга ёрдам тариқасида жами 82 минг сўм маблағ сарфланган.

Ўтган йилдан бошлаб хўжалик вилоятда ташкил этилган уруғчилик бирлашмасига қўшилди. Уруғлик пахта етиштириш хўжаликка йилига 300-350 минг сўм қўшимча даромад келтиряпти. 1991 йилда бу даромад 650 минг сўмга етиши кўзда тутилмоқда. Кейинги тўрт йил ичида колхозда бир килограмм ҳам заҳарли химикат ишлатилмади!

Турли ёрдамчи хўжаликлардан яхшигина фойда олиняпти. Жумладан, ўтган йили четга 363 минг сўмлик қум сотилди. Аҳолига 108 минг сўмлик техника хизмати кўрсатилди. Мана шу ишлардан жами 400 минг сўм фойда келди. Эндиликда бу каби ишлар янада ривожлантирилади. Нормативдан ортиқча бўлган трактор ва автомашиналар, қишлоқ хўжалик механизмларининг бир қисмини колхозчиларга, четга—турли ташкилотларга фойдаланиш учун бериш ҳам ҳар хил ресурсларни тежаш билан бирга анчагина иқтисодий наф келтириши ҳисоб-китоблардан маълум бўлиб турибди. Меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш масаласи изчил ҳал этиб бориляпти. Бу борадаги режаларга кўра ғишт заводи ва қурилиш бригадасининг хизмат кўрсатиш доираси ҳам кенгайтирилади. Консерва ва қум цехларининг маҳсулот ишлаб чиқариш салмоғи бултургидан қарийб тенг баравар кўпайтирилади. Қўшимча тармоқларни кенгайтириш, янгиларини қуриш ҳисобига бу йил бир миллион сўм даромад олиш мўлжалланмоқда.

Қир-адирларни ўзлаштириш ҳисобига беш юз гектар янги боғ-роғлар ташкил қилиш режалаштириляпти. Бунга, албатта, хўжаликнинг куч-қуввати етмайди. Дахлдор вилоят ташкилотлари, жумладан, қурилиш ташкилотлари, сув хўжалиги органлари бу борада уларни қўллаб-қувватлашлари зарур.

Келгусида деҳқончиликда интенсив технологияни қўлланиш асосий йўналиш бўлиб қолади. Деҳқонлар экин майдонларини жойлаштиришни қайта кўриб чиқиш керак, деган хулосага келдилар. Чорва озуқаси учун қўшимча резервлардан ёки ёш мевали дарахтлар қатор ораларидан фойдаланиш мумкин. Комсомол-ёшлар адирдан эллик гектар ер ажратиб олиб, боғ ва экинзорларга айлантиришга қарор қилишган. Ёшлар фонди ташкил этилмоқда. Ҳозирча ёшлар хўжалик бошқарувидан шартнома асосида 15 минг сўм пул олиб, иш бошламоқдалар. Бу ҳаракат дадил қўллаб-қувватланди. Ёшлар келажакда мустақил иш кўриб, ўз жамғармалари, ўз жорий счётига эга бўлмоқчилар. Улар ташаббуси ва кучи билан турли маросимларни ихчам, замонавий, серфайз ўтказиш имконияти бор. Хўжаликда «Дилхирож» бадиий ҳаваскорлик ансамбли ишлаб турибди. Яқинда республика Маданият вазирлигининг қарорига кўра, бу коллективга бадиий ҳаваскорлик халқ ансамбли номи берилди.

Бозор иқтисодиёти ҳамма соҳа эгалари қатори пахтакорлар, умуман қишлоқ меҳнаткашлари олдига ҳам мураккаб ва масъулиятли вазифалар қўйишини жамоа меҳнат аҳли чуқур ҳис этмоқда. Улар яқинда бўлиб ўтган умумий йиғилишда 1991 йил режаларини ана шу вазифалардан келиб чиқиб реал, пухта қилиб белгиладилар ва уни тўла-тўкис амалга ошириш йўл-йўриқлари ҳақида батафсил келишиб олдилар.

— Жамоа хўжалиги усули ҳали-ҳозир панд бермайди, — дейди хўжалик раиси М. Шербўтаев. — Чунки бизнинг деҳқонлар тупроққа ҳеч қачон хиёнат қилишмаган. Еримизнинг истиқболи порлоқ.

Ҳа, мана шундай илғор хўжаликлар тажрибаларини ўргансангиз, бунга ишонч ҳосил қиласиз. Қува районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги аъзолари келажак сари дадил қадам ташламоқдалар.

М. МАМАТҚУЛОВ,
Фарғона вилояти «Коммуна» рўзномаси ходими.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

● «ИНСОН ВА ТАБИАТ»

Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти билан жумҳурият Журналистлар уюшмаси «Инсон ва табиат» шнори остида ҳар йили ўтказиладиган жумҳурият танловининг якунлари чиқарилди.

Биринчи мукофот ва биринчи даражали диплом «Правда Востока» рўзномасининг таҳририятига берилди. Иккинчи мукофотга «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи» рўзномаларининг таҳририятлари, учинчи мукофотга эса «Совет Ўзбекистони», «Қишлоқ ҳақиқати», «Молодежь Узбекистана» рўзномаларининг таҳририятлари сазовор бўлдилар. «Ҳақиқати Ўзбекистон», «Ленин учқуни», «Пионер Востока» рўзномаларининг таҳририятлари рағбатлантирувчи мукофотлар ва ёрлиқлар билан тақдирланди.

Вилоят рўзномалари орасида биринчи мукофотлар ва биринчи даражали дипломлар «Ташкентская правда» ва «Бухоро ҳақиқати» таҳририятларига берилди. Иккинчи мукофот билан «Тошкент ҳақиқати», «Джизакская правда», «Наманганская правда» рўзномаларининг таҳририятлари, учинчи мукофот билан «Кашкадарьинская правда», «Коммунист», «Ленин байроғи» (Сурхондарё вилояти), «Советская Бухара», «Коммуна» рўзномаларининг таҳририятлари тақдирланди.

«Жиззах ҳақиқати», «Ленинское знамя», «Ферганская правда» рўзномаларининг таҳририятлари Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти ва Журналистлар уюшмасининг рағбатлантирувчи мукофотлари билан тақдирланди.

Шаҳар ва район рўзномалари орасида «Коммунистик меҳнат учун» (Бухоро вилояти) ва Задарё районидаги «Коммунизм йўли» рўзномаларининг таҳририятлари ғолиб деб топилди. Уларга биринчи мукофотлар ва биринчи даражали дипломлар топширилади. Шаҳрисабзнинг «Коммунизм байроғи», Чирчиқнинг «Химик», Жомбойнинг «Шонли меҳнат», Олтиариқнинг «Давр овози» рўзномаларига иккинчи мукофот берилди. Китоб район «Ғалаба» рўзномаси, Булунғур районининг «Коммунист», Оржоникидзе районининг «Коммунизм тонги», Пешку районининг «Меҳнат зарбдори», Қоракўл районининг «Олға», Боғот районининг «Ленин йўли» рўзномалари учинчи мукофот билан тақдирланди. Чироқчи районида чиқадиган «Олға», Самарқандда нашр этиладиган «Шарқ тонги», Каттақўрғон районининг «Зарафшон», Оққўрғон районининг «Мўл ҳосил учун», Бухорода чиқадиган «Ленин байроғи», Свердлов районининг «Коммунизм тонги», Наманганда чиқадиган «Учқун», Янгиқўрғон районининг «Меҳнат байроғи», Марғилоннинг «Марғилон ҳақиқати», Ёзёвон районида чиқадиган «Марказий Фарғона» рўзномаларининг таҳририятлари рағбатлантирувчи мукофот билан тақдирланди.

Ўрта Чирчиқ районининг «Ўрта Чирчиқ», Тошлоқда чиқадиган «Тошлоқ тонги», Вобкент районининг «Ленин йўли», Чустда чиқадиган «Чуст ҳақиқати», Бағдод районининг «Авангард» рўзномалари табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг ёрлиқлари билан тақдирланди.

Танловда фаол қатнашган журналистлар ва табиатсеварларнинг ишлари ҳам муносиб кўрилди. Муаллифлар, муҳаррирлар, рассомлар, полиграфиячилар, суратчилар ва китоб савдоси ходимларининг катта гуруҳи мукофотлар ва турли даражадаги дипломлар билан тақдирланди.

Плакатлар чиқариш билан шуғулланадиган нашриёт жамоалари орасида «Меҳнат» нашриётига биринчи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриётига ва «Ўзбекистон» нашриётига иккинчи, «Ибн Сино» нашриётига учинчи ўрин берилди.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти билан Ўзбекистон ССР Телекўрсатувлар ва радио эшитириш давлат комитети ҳам «Инсон ва табиат» танловининг якунларини чиқаришди. Танловда жумҳуриятнинг радиоси ва телекўрсатувлари таҳририятларининг ходимлари қатнашдилар. Ғолиблар ва совриндорлар мукофотлар ҳамда тегишли дипломлар билан тақдирланди.

● «ЯШИЛ ЕЛКАН»

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамияти билан Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети «Яшил елкан» шнори остида ўтказган танлов якунлари чиқарилди.

Нашриёт жамоалари орасида «Меҳнат» нашриёти жамоасига китоблар, брошюралар, плакатлар туркуми учун биринчи ўрин берилди. «Фан» ва «Ўқитувчи» нашриётлари ўзлари чиқарган китоблар туркуми учун иккинчи мукофотга сазовор бўлдилар. «Ўзбекистон» ва «Ибн Сино» нашриётлари учинчи мукофотни олдилар.

Танловда қатнашган нашриётларнинг таҳририят жамоалари мукофотлар ва тегишли дипломлар билан тақдирланди. Муаллифлар, муҳаррирлар, рассомлар, полиграфиячилар, суратчилар ва китоб савдоси ходимларининг катта гуруҳи мукофотлар ва турли даражадаги дипломлар билан тақдирланди.

(ЎзТАГ).

12 апрелда инсоннинг космосга биринчи парвоз қилганлигига 30 йил тўлади

САМОНИНГ НУРЛИ КАМАЛАГИ

Ўша баҳор кезлари одамлар ўз ташвишлари билан банд, бозор-учар авжида, турмуш ўз изида давом этарди.

Ўша баҳор кезлари машҳур Левитаннинг янгроқ овози телекўрсатув ва радио тўлқинларидаги момақалдироқдай гулдиради.

Одамлар ҳушёр тортишди, бирор воқеанинг рўй бергани аниқ эди.

Аммо, беҳад қувончдан юраклар ларзага келди, кўзлардан ёш қуйилиб оқа бошлади.

Шўро ўғлони Юрий Гагарин само бўйлаб илк бор парвоз этди. Ер юзасини бир бор айланиб муқаддас тупроғимизга омон-эсон қўнди. Космонавтикамиз отаси Сергей Королевнинг «Биз чизгилардан афсоналар яратиш билан бандмиз» деган орзуси амалга ошди!

Юрий Гагарин!

Шу лаҳзанинг ўзида унинг номи замин узра таралди, афсона Ҳақиқатга айланди. Одамлар — миллати, ранги, дини, жинси, қаерда яшаётганлигига қарамай — Юрий Гагаринни олқишлаш, у ҳақда дил сўзларини битиш, юраги туб-тубида ётган дарду туғёнларини изҳор этиш пайида эдилар.

Қўшиқлар янгради, ғазаллар туғилди, шеър, достонлар рўзнома, китоб саҳифаларини безади.

Ва ниҳоят, самонинг нурли камалаги ва Колумби Юрий Гагарин қишлоқлар, шаҳарлар, жумҳуриятлар, мамлакатлар, қитъалар оша сафар қилди, элларнинг фахрий меҳмонига айланди, ўзининг нурли табассуми ила миллионлаб дилларни забт этди.

Юрий Гагарин...

Биринчи фазогир серқуёш Ўзбекистонимиз тупроғида, меҳмондўст халқимиз дастурхони атрофида қувона-қувона ўтирганларини, Фарғона водийси пахтакорлари даврасида, отахонлар, мунис момолар, сердавқ ёшларнинг қуршовида яйраганларини ҳали-ҳали табаррук дея эслаб юрамиз. Бу дамлар сира-сира хаёлимиздан кўтарилмайди.

Профессор Абдуҳалил Мансуровнинг фазогирлар ва айниқса, Юрий Гагарин хусусидаги хотиралари қулоғимиз остида. «Юрий Гагарин дўстим эди» деганларини фахр билан эслаймиз. Эслаймизу, ўша машъум кун — биринчи фазогир Юрий Гагариннинг ҳалокати келаверади.

Бир сония ўйланг! Мард инсон мардона ҳалок бўлади. Юрий Гагариннинг тақдири ҳам шундай бўлди. У ўзининг билим ва изланишларини сўнгги дамларгача адо этди, синов пайтида фожиали оламдан ўтди.

Биз уни нега авайлай олмадик. Ахир у кечаги кунимиз, фазо олами туйнуги очилишининг ёрқин тарихи эди-ку! У билан ҳар қанча фахрлансак арзирди. Уйларимиз, йиғилишларимиз, анжуманларимизнинг доимий фахрий меҳмони эмасмиди!

Йўқ, Юрий Гагарин бундай эъзоз ва ҳурматни суймасди. У янги-янги изланиш йўлини қидирарди, янги-янги довон ошиш пайидан бўларди. Ахир у ўз китобига «Ватан йўлида қилинган — катта-кичиклигидан қатъи назар — ҳар қандай меҳнат фойдалидир. Ана шу меҳнатда менинг улушим ҳам бўлганлигидан бахтлиман» деб бежиз ёзмаганди.

Юрий Гагарин ўзининг қисқа, ғоят нурли умр йўлини садоқат ва меҳр-муҳаббат билан ўтказди. Ўша, қайғули дақиқаларда Юрий Гагариннинг фожиали ҳалокатини ҳар бир қалб эгаси ўзининг армонли дарди деб билди. Музаффар ила ўтилган умрнинг пайидан қирқилганига ҳеч ким ишонмади, ишонмасди ҳам! Гагарин юрак туб-тубидан мустаҳкам ўрин олган азиз ва мурувватли инсонлардан бири эди.

Умр оқар сув янглиғ ўтаверади. Аммо, мана шу дамлар биз ўз манфаатини ўйлаган айрим кимсаларнинг ёлғон-яшиқ, ғоясиз ва қуруқ туҳматдан иборат гап-сўзларининг бодроқдек кўпайиб боришига чек қўймадик. Айрим кимсалар уни фазога учмаган деб кўришди. Гагарин бошқа сайёрада яшаётганлигига ишонтирмоқчи бўлишди, фаришталар ўзлари билан олиб кетганлигига ҳам шама қилишди.

Бу инсоният сламида космик давр бошланишига раҳна солиш билан баробар эмасми?! Бу ўз тарихимизнинг ёрқин саҳифалари ораларига кул сепишни эслатмайдими? Бу ҳақиқатнинг ёрқин нурларини қоп-қора парда билан тўсишни билдирмайдими? 108 минутлик

• *ГАГАРИН ТОШКЕНТДА*

УНУТИЛМАС КУНЛАР

1961 йилнинг 12 апрели — чоршанба куни Тошкент самоси кўм-кўк, ҳароратли ва оппоқ булутлар аста-секин сузаётганлигини яхши эслайман — гўё одамлар осмон оламига боқиш учун атайин тайёргарлик кўрилгандай эди.

Мен ўша вақтлари «Правда Востока»да ишлардим. Оддий иш кунлари эди. «Совет Ўзбекистони» рўзномасида ишлайдиган дўстим Ҳабиб Нўъмон билан Фарғона водийсида чигит экишнинг бориши ҳақидаги мавзуни ёритиш бўйича сафарга отланаётгандик. Шу пайт инсон космосга учганлиги ҳақида хабар тарқалди. Биз Юрий Гагариннинг космосга парвози ҳақидаги материаллар тайёрлашга киришиб, сафарни икки кунга кечиктирдик.

Ўша йиллардан бери кўп мавзулар ҳақида ўйлашга, мулоҳаза юритишга тўғри келди. Аммо Гагарин мавзуси мени сира тарк этмади. Мен Юрий Гагариннинг Ўзбекистон, Тошкент билан алоқадор барча ҳужжатларини қидирдим — тўғриси кўп нарсалар топилди. Тошкентда унинг болалик дўсти яшарди. Гагаринни космосга парвоз этишга тиббиёт хизмати полковники, ўзбек шифокори Абдуҳалил Мансуров тайёрлаганди. Бекобод цементи Бойқўнғир космодроми парвоз майдончасини метиндек мустаҳкамлаганди.

Қисқаси, космик техникани ва космодромни яратишда ҳарбийлар ғоят катта ҳисса қўшганлигини айтиб ўтиш керак. Биринчи космонавтлар ҳам ҳарбий кишилар эдилар. Гагарин ҳам ўшалар сафида бўлган. Бундан ташқари, Бойқўнғир ўша пайтлари Туркистон ҳарбий округига ҳарбий идора сифатида бўйсунарди. Жуда кўп юклар, мутахассислар, олимлар Тошкент орқали ўтарди. Мен шу йўл орқали ўтаётган ва ўша пайтлари сир сақланган Космик тиббиёт институти илмий ходими билан суҳбатлашганман — бу 1961 йилнинг ноябрида дунёга донғи кетган биринчи космонавт Юрий Гагариннинг Ҳиндистонга Тошкент орқали йўл олган пайтида юз берганди.

Самолёт тунда манзилга қўнди. Йўл-йўриқ бўйича Гагариннинг аэропортга чиқиши белгиланмаган, айтишларича, Деҳлида бўладиган қизғин учрашувлар арафасида чарчаб қолмаслиги кўзда тутилганди. Космонавтнинг ҳамроҳи—илгари Туркистон ҳарбий округи авиация қўмондони, кейинчалик космонавтларнинг мураббийси бўлган генерал Николай Каманин билан суҳбатлашишга тўғри келди. Юрий Алексеевич мухбирларнинг сўзини ерда қолдирмасди (мен билан бирга Ўзбекистон телеграф агентлигидан Самандар Қаландаров ва суратчилар А. Палехов, Г. Пун бор эдилар. Улар биринчи космонавтнинг Ўзбекистон тупроғидаги учрашувларини мангу лаҳзага муҳрлаган эдилар).

Шоира Зулфия билан бўлган суҳбат ғоят қизғин ва узоқ давом этди. Буни қарангки, Зулфия ҳам ўз ишлари билан бошқа самолётда Ҳиндистонга учмоқчи эди. Улар орасидаги суҳбат авж олди. Гагарин машҳур ўзбек шоирасини сиртдан яхши билар, жумҳуриятда, мамлакатда ва қолаверса, Ҳиндистонда уни ҳамма ҳурмат қилишларини қайд қилиб ўтди. Европа ва Америка мамлакатлари аҳолиси билан учрашувларда бўлган Гагарин фахр билан: «Энди менинг Ҳиндистонда бўлишим осон кечади, барча учрашувларимиз иккаламизнинг зиммамизга тушади» деган эди. Ўз навбатида Зулфия ҳам дил сўзларини изҳор қилди. «Сизнинг жасоратингиз афсонадан ҳам юксакдир». Гагарин мамнун жилмайди.

Юрий Гагариннинг Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафари тугагач, уни Тошкентда тантанали қабул маросими кутарди. Тошкентликлар биринчи космонавтни шаҳарда Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ёнида бўладиган митингда ғоят ҳурмат ва иззат билан қарши олишди.

Гагарин Тошкентга 1967 йилнинг ёзида — фожиали ўлимидан ярим йил олдин сўнгги бор келди. Республика раҳбарияти ҳарбий округ қўмондонлиги қабулидан сўнг у шаҳарни кўрсатишларини илтимос қилди. Бир йил олдин бўлиб ўтган зилзиладан шаҳар қурилиш майдонига айланган эди. Тошкентни барча мамлакат қурмоқда эди. Барча иттифоқчи, мухтор республикалар, Россия Федерациясининг деярли барча вилоятлари иштирок этарди. Тошкентнинг ўша пайтдаги мэри Ҳусниддин Асомов кўрсаткич билан ҳарита бўйлаб юргизар ва «бу ерда Москва, бу Киев, бу Ленинград, бу ерда Рига, Душанбе», дерди.

Юрий Алексеевич болаларча мамнун жилмайди.

— Мана бу ерда менинг смоленскликларим ишлашяпти экан.

У ўзининг ҳаяжонини сиғдиролмади. Мен унинг «барча иттифоқчи республикалар биргалашиб ишлашяпти» деганларини эслайман.

Биринчи космонавт бугунги янги Тошкентни кўрганида қанчалик ҳайратга тушарди.

Кейин биз шаҳар ташқарисига чиқдик. Колхозларда бўлдик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг пионер лагери (у ҳозир ҳам Ю. А. Гагарин номидадир) бўйлаб айландик. Гагариннинг Тошкентдаги сўнгги суратини худди шу ерда олган эдик.

Гагарин — коинот Колумби ҳушчақчақ йигит эди. Унинг жилмайишини бутун жаҳон биларди. Бу ҳақда кўп ёзилган.

Космоснинг биринчи ижодкори, «Восток»нинг илк дарғаси Юрий Гагаринни Ўзбекистонда, Тошкентда севамиз ва ҳурмат қиламиз. Унинг номи билан Мирзачўлдаги шаҳар, Амударё қирғоғидаги районни атаганмиз.

Тошкент мамлакатда биринчи бўлиб унинг шарафига ҳайкал ўрнатди. Юрий Гагариннинг номи, иши, руҳи ҳамма вақт барҳаётдир.

Георгий ДИМОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

БИЗНИНГ ГАГАРИН!

мўъжизанинг қадрига етмаганимиз бу! «Кетд-и-ик» дея янграган сўзга бефарқлик бу! Меҳр-оқибат, қадр-қиммат, қадрият, маънавиятнинг йироқлашиб бораётганлигидан дарак бермайдими?!

Академик Нгуен Ван Хиеу ёзганидек, «Юрий Гагариннинг парвози — инсоннинг космосга илк бор илмий сайридир». Фазогирлар оламининг сардори, самонинг нурли камалаги Юрий Гагариннинг умр йўли ҳар биримиз учун ҳамиша ва ҳар вақт намуна, ҳам сабоқдир. Буни унутмаслик даркор. Зеро, бугунги кунда ана шу улуғ ва қудратли парвознинг 30 йиллиги байрам қилиняпти. 30 йил мобайнида юзлаб фазогир самога парвоз қилди, чет эл фуқаролари билан ҳамкорликда бир неча ой космос бағрида ишладилар. Энди афсона деб баҳоланган фазога учиш ҳақиқатнинг оддий онларига айланди.

Ўнлаб, юзлаб фазогир... Ер атрофида 108 минутгина эмас, икки-уч ой, балки ундан ҳам кўпроқ меҳнат қилишга тўғри келяпти. Фазогирлар орасида хотин-қизлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг сафида ҳадемай ўзбек фазогирлари ҳам ўрин олади. Балки ўзбек қизларининг учиш ҳам эҳтимолдан холи эмас. Аммо, барибир Юрий Гагариннинг ўрни бўлак! У ҳамма вақт биринчи бўлиб келди ва шундай бўлиб коларади.

Мирза КАРИМ.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Ғафур ҒУЛОМ

Совет маърифатининг азамат қудратига,
Ҳамиша офарин деб келади бутун жаҳон.
Кўрқув билмас баҳодир Гагарин ҳимматига
Битта зинапоядек хизмат қилур осмон.

* * *

ШУКРУЛЛО

Капалак гулзорни бир айланмасдан
Асрий йўлни босиб ўтдинг Гагарин!
Чақилган бир гугурт ёниб ўчмасдан
Ватан бағрига соғ етдинг Гагарин.

* * *

УЙҒУН

Биринчи бор чексиз фазога
Парвоз этди бизнинг
ватандош.
Кўтарилди кўкка Гагарин
Балқигандай нур сочиб
қуёш.

* * *

Абдулла ҚАҲҲОР

● Биз биринчи фазо сайёҳи совет кишиси бўлгани, илм-ҳунар учун ғоят маҳсулдор замин бўлган буюк Ватанимиз билан фахрланамиз.

* * *

Асқад МУХТОР

● Кишилик тарихи ер юзини титратган жуда кўп воқеаларни билади. Аммо бунчалиги ҳали бўлган эмасди. Совет кишиси бугун фанда мутлақо янги, улуғ бир даврни очди. Фақат фандагина эмас! Бу биринчи космонавтнинг, қудратли халқимиз элчисининг беназир жасорати, одамларнинг тушунчаларида ҳам, ҳиссиётларида ҳам, халқларнинг ўзаро муносабатларида ҳам, уларнинг оламнинг келажаги ҳақидаги ўй ва умидларида ҳам янги порлоқ давр очди...

Фазо кашшофи тилга олган шифокор

«Фазога учишни тайёрлашда ва амалга оширишда бевосита турли миллат вакиллари қатнашдилар. Инсоннинг беподён коинотга учиш шароитини ўрганаётган ва бу парвознинг бехатарлигини таъминлаётган олимлар ва врачлар орасида ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, серқуёш Тошкентда туғилиб ўсган тажрибали врач, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси истеъдодли олим ҳам бор...».

Фазо кашшофи Юрий Гагаринни ушбу сўзларини қайта-қайта эслар эканмиз, у тилга олган шифокор кимлигини билишга ошиқамиз... У ҳақда ҳам кўплаб очерклар ёзилди. Умр дафтари шонли ва унутилмас воқеаларга бой. Шундай бўлса-да, у билан бирга бир хонадонда яшаган, ҳамнафас бўлган кишисидан хотиралар тинглаш ниҳоятда мароқлидир.

Абдуҳалил Мансуров — Гагарин шу шифокорни фахр ила тилга олган. У ҳозир орамизда йўқ. Баҳор кунлари, инсоннинг коинотга илк парвози кунида унинг руҳини шод этиш, номини яна бир бор тилга олиш жоиздир.

Космонавтика куни арафасида Гагарин тилга олган шифокор хонадони соҳибаси Мазлума Асқарова билан суҳбатлашдик. У тилшунос олима, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, СССР Педагогика фанлари академиясининг мухбир аъзоси. Узоқ вақтдан буён Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасига раҳбарлик қилиб келяпти.

— Биринчи фазогир тилга олган шифокор Абдуҳалил Ражабович Мансуров турмуш ўртоғингиз эди. У киши Гагарин ҳақидаги хотираларида кўпроқ қайси воқеаларни тилга олардилар!

— Ҳар оқшом бир пиёла чой ичиб, суҳбат қурганимизда кўпинча, гап албатта, Гагарин парвозига бориб тақаларди. «Восток» кемасининг Ер теварагидаги орбитага чиқарилиши, тарихий парвоз онлари, Гагарин жасорати ҳақида ҳар қачон ғурурланиб гапирардилар-у бу парвознинг амалга оширилишида қўшган муносиб ҳиссалари борлигини кўпинча яширардилар. Космонавтларнинг дастлабки сафини тузишда, уларни тиббий кўрикдан ўтказишда фидокорлик кўрсатганликларини олимлар ва фазогирлар билан дилкаш суҳбатлардан билиб олардик.

— Гагаринниг қайси фазилатларини кўпроқ сўзлаб берардилар!

— Унинг фазилати бажарган ишида намоён бўлади, дердилар. У суҳбатдошини ўзига ром этадиган очиқ табиатли инсон эди. Ёқимли табассуми эса ҳаммага ёққан.

— Хонадонингиз бисотида Гагарин дастхатлари бор деб эшитдик.

— Юрий Алексеевич ўзи ҳаётлигида ёзган хатларини авайлаб сақлаймиз. У машинкада босилган. Фазо тиббиёти фани мутахассиси А. Мансуров бу хатларни ҳамиша иш столи устида сақлардилар. Гагарин ўзбек халқининг фидокорлиги ва меҳнатсеварлигини ғурурланиб тилга олган. Машҳур қўшиқчимиз Ботир Зокиров ижросидаги ҳинд қўшиқларини ёқтирганлигини ҳам таъкидлайди.

Диёримиз фарзандининг фазо тиббиёти илмига қўшган ҳиссасини наинки Иттифоқимиз, ҳатто жаҳон олимлари ҳам эътироф этишган. Тарихий парвозда ажойиб инсон А. Мансуровнинг ҳам қалб қўри, юрак ҳарорати борлигидан ҳамиша фахрланамиз.

Ҳ. СУЛТОНОВ.

• *Тил ҳақидаги Қонун—амалда*

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРСАК...

«Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Қонуни ўзбек тили мавқеини тубдан ўзгартирди ва бу ўзбек тили адабиёти ўқитувчилари, ўзбек тили мутахассисларига муносабатни ўзгартирди. Бу тарихий Қонунни бажариш мақсадида Халқ таълими вазирлиги анча ишларни амалга оширди. Она тили, рус гуруҳларида ўзбек тили машғулотларини кичик гуруҳларга бўлиб ўқитиш, ўзбек тилидан ва она тилидан дарс соатларини таълимнинг барча бўғинларида ошириш, эски ўзбек тили ва ёзувини зарурий ўқув фани сифатида жорий этиш, ўқитувчилар маошини ошириш, уларга қўшимча моддий имтиёзлар бериш шулар жумласидандир; қўшимча рағбатлантириш сифатида ўқитувчилар армиясини долзарб илмий-методик муаммоларни ҳал этишга жалб этиш, уларни фаоллаштириш эди. Шу мақсадда Ўзбекистон ССР Халқ таълими ҳамда Олий ва махсус таълим вазирликларини «Ўзбек тилини ўрганиш ва ўқитишни қайта қуриш ҳамда такомиллаштиришнинг долзарб масалалари» доимий илмий-методика анжуманини таъсис этди. Ўзбек тили доимий анжумани — ЎТДАнинг биринчи йиғини 1991 йилнинг 12—13 апрелида С. Айний номидаги Самарқанд давлат олий билимгоҳида ўтказилиши мўлжалланди.

Маълумки, ижодий тафаккур, қобилият ва кўникма асослари мактабда ўқитувчилар, методика (тадрис) усули, таълим мазмуни, ўқув-методик тўплам (комплект)лар ёрдамида шакланади. Ёшларда ижодий тафаккурни ривожлантиришда она тилининг ўқитилиши, она тили машғулотларининг мазмуни ва усули катта аҳамиятга эга. Чунки инсоннинг тафаккури она тили воситасида шаклланади ва тафаккур маҳсули тил орқали юзага чиқади. Ижодий тафаккурни тилни ўргатиш ва ўрганиш жараёнидаги ижодийликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Демак, бизнинг олдимизда турган асосий вазифалардан бири таълим мазмуни ва тадрис усулини болаларда ижодий тафаккурни шакллантира оладиган йўналишда туб янгилашдан иборатдир. Бундай улкан ишни кўпчилик бор куч ва имкониятни бирлаштирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Шунинг учун жумҳурият Халқ таълими вазирлиги Жумҳурият ўқув-методика маркази ЎТДАни таъсис этди ва унга катта ҳуқуқлар берди. Анжуманнинг асосий вазифаси ўзбек тилидан таълим мазмуни ва тадрис усулини янгилаш ишига жумҳуриятимиздаги бор кучларни сафарбар этиш, бу шарафли ишга олим ва тадқиқотчилар билан бирга кенг ўқитувчилар оммасини жалб этишдан иборатдир.

Жумҳурият ўқув-методика маркази томонидан ўзбек мактабларимизнинг барча синфлари учун ўзбек тили бўйича тўрт қисмдан иборат дастур (программа)лар лойиҳаси тузилиб, кўпайтирилди ва жойларга юборилди: ўқитувчиларимиз ҳукмига ҳавола қилинди. ЎТДАнинг биринчи йиғинида атрофлича муҳокама этилади.

Таълим мазмуни ва усулини янгилаш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширишимиз зарур:

Биринчидан, она тили ўқитишнинг бош мақсадини янгилаш. Тил ҳақидаги фан бўйича маълумотлар амалий мақсадларга хизмат қилиши лозим. Ёшларнинг ижодий тафаккур кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш, ижодий тафаккур маҳсулини ёзма ва оғзаки шакларда нутқ шароитига мос равишда тўғри баён этишнинг амалий кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш она тили машғулотларининг мақсади бўлмоғи керак.

Иккинчидан, таълим усулини янгилаш. Ҳозирги давримиз дедуктивдан кўра индуктив таълим усулининг афзаллигини тақозо этмоқда. Бу усул ҳар бир машғулотда ўқувчиларнинг таҳлил билан шуғулланиб, ўрганилаётган мавзу бўйича ўзлари хулоса чиқаришларини талаб этади. Бу эса ўқитувчи ва ўқувчи муносабатини ҳамда машғулот материали ва машғулот жараёнини ўзгартиради. Бундай машғулотда ўқувчилар фаол бўладилар ва ҳар бир ўқувчи ўз заковати, мустақил фикрлаш қобилияти, ижодий тафаккурини кўз-кўз қилиш имкониятига эга бўлади. Бу эса болаларда «Ким устун?» яъни мусобақа руҳини шакллантиради ва ривожлантиради. Ўқитувчи моҳир дирижёр сингари ўқувчиларнинг фаолиятини бошқариб боради, ҳар бир машғулотда ҳар бир ўқувчи фаолияти самарасини баҳолайди. Янгилаш ва янгиланишда, албатта, ўқувчиларимизнинг фаоллиги зарурдир.

Рус гуруҳларида ўзбек тили ўқитилишини ҳам тубдан янгилашимиз зарур. Дарсликларимизнинг мундарижаси ҳам, тадрис усули ҳам давр талабига жавоб беролмайди. Уларда грамматикачилик кучли, нутқ ўстириш эса ниҳоятда саёз. Рус гуруҳларида ўзбек тили ўқитилишида жонли нутқни ўзлаштириш йўналишида, машғулотлар қизиқарли суҳбат, ўйинлар руҳида қайта кўриб чиқилиши лозим.

Биз, ҳаммамиз, яъни кўп минг кишилик ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари, олий ўқув юртларидаги ўзбек тили ва ўзбек тилшунослиги кафедралари, Фанлар академияси, Халқ таълими вазирлиги ва Жумҳурият ўқув-методика маркази, педагогика фанлари илмий-текшириш институти ходимлари, «Ўқитувчи» нашриёти бирлашиб, бир мақсадни кўзлаб, бир ёқадан бош чиқариб курашгандагина бугунги маорифимиз талабини қондирган, «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Қонунини ҳаётга тадбиқ этган бўламиз.

Ҳ. НЕЪМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор.
С. РИЗАЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

• *«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан*

«ЭКОЛОГИЯ ҲИСОБ СЎРАЙДИ»

Рўзномамизнинг шу йил 17 январь сонида юқоридаги сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Мақола юзасидан «Оҳангаранцемент» ишлаб-чиқариш бирлашмасидан расмий жавоб олинди.

— Ҳақиқатан ҳам мақолада баён этилган камчиликлар бирлашмада мавжуд. Атроф-муҳитни энг кўп даражада ифлослантирадиган манба — айланма печлар қувурларидир. Уттиз йил мобайнида атиги иккита айланма печнинг электрофильтри алмаштирилди. Аммо натижа кутилганича бўлмади.

Ҳозир 1991—1995 йилларда айланма печларнинг аспирация системасини реконструкциялаш программаси ишлаб чиқилган. Учта айланма печнинг аспирация системасини реконструкция қилиш лойиҳалари тайёр. Яна бир айланма печнинг 1992 йил бошида тайёр бўлади.

1991 йилда 4-айланма печ учун янги электрофильтр олинади ва шу йилнинг ўзида ўрнатилади. Йил охирида эса 3-айланма печ учун ҳам янги электрофильтр олиниб, у 1992 йилда ўрнатилади.

1- ва 2-айланма электр печларига эса электрофильтр қўйиш ишлари 1993—1994 йилларда амалга оширилади. Юқоридаги тадбирлардан ташқари чиқиндини камайтириш учун 1-айланма печ совуқхонасидан чиқадиган чанг йўқотилди. Болғали майдалагич ва цемент силосларида фильтрлар алмаштирилди. Буларнинг ҳаммаси 1991 йилда ҳавога чиқадиган чангни 1596 тонна камайтиришга имкон беради.

ОДОБНОМА

ОНА МЕҲРИ

Кейинги пайтларда бола тарбиясига аҳамият ниҳоятда камайиб кетганидан турли хунук ҳодисаларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Деярли ҳар куни вақтли матбуот, радио ва ойнаи жаҳонда ёшлар жиноятй ҳақида гапирилмоқда. Вагонларга тош улоқтирган, машина олиб қочган, бировга тан жароҳати етказган, хонадонларга бостириб кириб, одамларни тунаб кетаётган каби даҳшатли воқеаларга бугун одамлар ҳайратланмайдиган бўлиб қолишган.

Икки қўшни ҳовлиси ўртасига девор олишни, қулфкалитни билмаган халқимиз нималарни бошидан кечиряпти, дея баъзида хафа бўлиб кетасан, киши.

Ёмон хатти-ҳаракатлар, воқеалардан даҳшатга тушар эканмиз, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, илдизларини қидирмоқ жоиз. Ўша ёмон одатлар, худбинликлар қилаётганларнинг аксарияти кимлар? Улар она меҳрига қонмаган, онаота тарбиясини олмаган ёки тарбиясиз ота-оналарнинг фарзандларидир, десам янглишмаган бўламан. Бу сўзимнинг исботи сифатида шуни айтишим керакки, мен ахлатхонада чақалоқнинг жасади ифлосга қоришиб ётганини кўрганман... Наҳотки она шундай ваҳшийликка йўл қўйса дея изтиробга тушганман...

Қадим замонда шоҳ Саломон ҳузурига икки она бир болани талашиб келадилар. Шоҳ болани болта билан иккига бўлиб, бир бўлагини у, иккинчи бўлагини эса бу онага беришни буюрганда оналардан бири боладан воз кечса кечадики, лекин бу ишга асло рози бўлмаслигини айтади... Ана шунда боланинг ҳақиқий онаси ўша аёл экани маълум бўлади. Шоҳнинг бу тадбиркорлиги яна бир нарсани ойдинлаштиради: она меҳри ҳар қандай шароитдан ҳам, ҳар қандай кучдан ҳам устундир.

Ёшлигимда бир ҳикоят эшитгандим. Гўдак ўғрилик билан топган нарсасини уйга келтирганда онаси хурсандлигидан боласини дуо қилибди... Бола кунлардан бирида жиноятда ушланиб дорга осиладиган бўлибди-ю, она фарёд чекиб келиб қолибди. Шунда бола онасига «тилингизни чиқаринг» дебди. Шунда бола онаси тилини шартта узиб олибди...

Икки хил она, икки хил меҳр.

Бола тарбияси она сути билан ўтади дейдилар. Она ўрнини на мактаб ва на тарбия ўчоқлари, ҳатто оталар ҳам босолмайдиганга ўхшайдилар. Она фарзандига тунларни бедор ўтказиб, бешик қучоқлаб алла айтгандаёқ гўдаги қулоғига пандинасиҳатларини қуйиб қўйгандир. Буни қарангки, эндиликда баъзи оналаримизнинг боласи тарбиясига мутлақо вақтлари етишмайди. Шундай оналарни биламанки, боласини кечаси уйқусида кўрадилар, холос. Улар болалари тарбиясини боғча-ясли, мактабларга ҳавола қилиш билан кифояланадилар.

Дунё тиббиётида шундай нарса аниқланибдики, бемор болани даволашда она боласи ёнида бўлса муолажа ниҳоятда фойда келтирар экан. Яна шу нарса жудажуда муҳимки, бола она сути билан ўсмоғи даркор. Акс холда гўдак турли касалликларга чалиниш эҳтимолидан ҳоли эмас...

Бола тарбияси йилдан-йилга мураккаблашиб бормоқда. Илгарилари ота-оналаримиз ўз фарзандларини ўз бағриларида тарбиялардилар. Онаси нима касб билан шуғулланса, боласи ҳам отаси ёки онаси ёнига кириб уларнинг ҳунарларини эгаллаб кетаверар эди. Қизларимиз оналари ёнида чеварликни машқ қилсалар, ўғлонларимиз оталари суйган касбга ҳавас қўярдилар. Хулласи калом фарзандларимиз ёшликдан меҳнатга мойил бўлиб ўсар эдилар. Эндиликда эса давр ўзгариб кетди. Ёшларнинг аксарияти ўқиман дейди. Лекин меҳнатсиз тарбия мўрт бўлади. Мени бундай хулосага келишим кўпроқ қишлоқ болаларини кузатишим сабаблидир. Билишимча, қишлоқларда болалар ўртасида жиноят кам содир бўлмоқда. Улар ёшликданоқ ота-оналари бағрида меҳнатга қўникадилар ва уларнинг меҳнатида яқиндан ёрдамлашадилар. Она ерга меҳр, табиатга меҳр, ҳайвонот оламига меҳр қўядилар.

Меҳнатга меҳр халқимизнинг ажойиб анъаналаридан бири экан, уни қўллаб-қувватламоқ даркор. Мен буни яна бола тарбияси билан боғламоқчиман. Қизалоқларнинг тили чиқиши билан бешик келтириб, бола белашга ўргатадилар. «Тўй бола»ни тойга миндирадилар. Куёвга тўнка ёрдиришчи?! Мен буни Болтиқбўйи халқлари орасида бошқача кўринишини кузатдим. Келин-куёв арранинг икки томонига ўтиб олиб ғўла арралайдилар. Бундай одатларнинг ҳар бирининг рамзий маъноси бор.

Халқларимизнинг ана шундай ажойиб одатлари, анъаналари мавжудки, уларнинг ҳар қайсиси инсоний туйғу, ўгит билан йўғрилган. Онанинг болага, фарзандинг ота-онага меҳршафқати, эътиқоди масаласи одатларимиз мазмунини касб этади.

Буюк Бобур жанг майдонларида ҳам онасини ҳурмат-эҳтиром билан бирга олиб юрар экан. Онасининг ҳар бир дуоси унга мадад берар экан. Шоир М. Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» асаридаги она Ўғлига қараб айтган қуйидаги сўзлари ибратомуздир: «Кўзим кўрмайди-ю, дилим кўради ғалабаларингни», Индира Ганди энг бахтли куним деб она бўлган кунини эслайди. В. И. Ленининг онаси Марья Александровна барча фарзандларини Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаган. Бу йўлда болалари 14 марта қамалганда ҳам уларнинг ҳақ эканига ишонган, иродаси букилмаган. Тошкентлик Баҳри она 14 етимни олиб, меҳр билан тарбия қилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Хлебушкина бутун умрини болалар тарбиясига бағишлаган. Баъзан ўйлаб қоласан: туққан она эмас, тарбиялаган она. А. С. Пушкиндек шоир ўз онасидан кўра энагасини ҳурмат билан тилга олиши шундан эмасмикан.

Бола тарбияси оналаримиздан жуда катта мардлик, жасорат, фидоийлик талаб этади. Театримизда «Ҳазрати аёл» пьесаси қўйилганда баъзилар аёллардан ҳазрат бўлмаган деб эътироз билдиришди. Эҳтимол ўтмишда бўлмаса бўлмагандир, аммо ҳозирги аёлларимизнинг, оналаримизнинг мардлиги, жасорати ҳазрат бўлишга лойиқдир.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
СССР халқ артисти.

Футбол

● ОЛИЙ ЛИГА. Олтинчи тур ўйинларидан кейин пойтахт армиячилари 12 очко билан ягона пешқадамлик мавқеларини мустаҳкамлашди. «Шахтёр» жамоаси ҳам учрашувларни мағлубиятсиз давом эттирмоқда.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ КЎРИНИШИ

	Ю	Д	М	ТО	
ЦСКА	6	0	0	17-5	12
Арарат	4	1	2	4-4	9
Шахтёр	2	5	0	6-3	9
Днепр	3	1	2	4-3	7
Торпедо	2	3	1	8-5	7
Металлург	2	1	3	4-6	5
Металлист	2	1	3	5-8	5
Черноморец	1	3	2	7-6	5
Динамо (К)	1	3	1	5-6	5
Помир	0	5	1	1-2	5
Спартак (М)	2	0	1	4-3	4
Динамо (Мн)	1	2	3	6-7	4
Пахтакор	1	2	2	4-5	4
Динамо (М)	1	2	3	5-9	4
Локомотив	1	2	3	5-9	4
Спартак (В)	0	3	2	4-8	3

● БИРИНЧИ ЛИГА. Иккинчи тур учрашувларида жумҳуриятимиз жамоалари дуруст ўйнашди. Чунончи, Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари «Факел» майдонида 1:0 ҳисобида ғалаба қозонишди. Улар икки очко билан ўнинчи ўринни эгаллашди. Чемпионатда эса «Тилигул», «Таврия», «Текстильщик» жамоалари тўрттадан очко билан олдинда боришмоқда. Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари иккинчи марта имкониятни бой беришди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

1991 ЙИЛНИНГ 12 АПРЕЛИДАН 19 АПРЕЛИГАЧА

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг

КЎРГАЗМА ПАВИЛЬОНЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ

«ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ АППАРАТУРАСИ ТИББИЁТДА» — «МЕДАППАРАТУРА-91»

мавзуида

ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎРГАЗМАНИ ЎТКАЗАДИЛАР

Кўргазмада Австрия, Англия, Ҳиндистон, Италия, Испания, Польша, Германия, Швеция, Швейцария, Япония ва СССРдаги етакчи фирмаларда ишлаб чиқарилган ташхис қўйиш, рентген, стоматология, физиотерапия асбобускуналари, тиббиёт асбоблари ва бошқа аппаратуралар намойиш этилади.

Кўргазма ҳар куни соат 10 дан 18 гача ишлайди.
Таклифномалар билан кирилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 39-11-87, 39-11-17, 39-11-88.

5-ҲУНАР-ТЕХНИҚА БИЛИМ ЮРТИ

1991 йил учун

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган йигитларни электр пайвандчи, ғишт терувчи, бўёқчи-сувақчи ихтисослари бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 3 ой.
Ойига 120 сўмдан стипендия тўланади.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқишни тугатганлар Тошкент шаҳар қурилиш Бош идорасига қарашли тажрибавий ҳажмли-блокли уйсозлик комбинатига ишга юборилади ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Улар доимий шаҳар аҳолиси рўйхатига қўйилади ва навбат асосида турар жой билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Машғулотлар гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Ленин ноҳияси, Астрахань боши берк кўчаси, 12-уй (1-трамвайнинг «Дегтярев кўчаси» бекати; 5, 26- трамвайларнинг «Кўк бозор» бекати; 22-автобуснинг «Дегтярев кўчаси» бекати; 55, 161, 66-автобусларнинг «57-мактаб» бекати).
Телефон: 91-26-47.

ТАЖРИБАВИЙ ҲАЖМЛИ-БЛОКЛИ УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИ.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТАРАДДУД

ЮНЕСКО ҚАРОРИ ЧИҚДИ
10 ИЮНДАН 15 ИЮНГАЧА ТОЖИКИСТОНДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БЎЛАДИ

Ўзбекистон ССР Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров ўтказган мажлис қардош халқлар маданиятининг бўлажак байрамига бағишланди.

Ўзбекистон ССР маданият вазири Н. Ё. Ғойибов маданият кунларига тайёргарликнинг бориши тўғрисида ахборот берди. Ўзбекистон маданияти кунлари қардош жумҳуриятларнинг кўпгина районларида — Кўлоб, Ленинобод, Қўрғонтепа вилоятларида, Норак, Файзобод, Регар шаҳарларида ўтказилади. У ерларда ўзбек санъат усталари, ёзувчилар, рассомлар, меъморлар бўлишади, концертлар қўйиб берилади, Тожикистон меҳнаткашлари билан учрашувлар ўтказилади. Маданият кунларининг бирини, яъни 14 июнни Алишер Навоий йили шиори остида ўтказиш режалаштирилган.

Маданият кунлари арафасида оммавий ахборот воситалари жумҳуриятларимиз халқларининг тобора мустаҳкамланиб бораётган ҳамдўстлигини кенг тарғиб қилишлари, бу жумҳуриятларнинг меҳнаткашлари, санъаткорлари тўғрисида кўпроқ ҳикоя қилишлари кераклиги таъкидланди.

(ЎзТАГ).

МУХЛИСЛАР ЭҲТИРОМИ

● ЖИЗЗАХ. Яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ҳамза мукофотининг совриндори, адиб Мирмуҳсин қутлуғ етмиш ёшин арафасида қатор вилоятларда бўлиб, мухлислари билан учрашди. Адиб Жиззах давлат дорилмуаллимининг, кўп соҳали илм толибларининг ҳам меҳмони бўлди. Олийгоҳ профессори Бозорбой Ўринбоев бош бўлган бу анжуманда филология фанлари номзодлари Усмонжон Қосимов, Қодир Пирматов, ёш адиб Саттор Қорабоев, шоира Саёра Тўйчиевалар адибнинг ижодий фаолияти ҳақида сўзладилар. Олийгоҳнинг Абдулҳамид Тангиров етакчилигидаги «Нафосат» дастаси санъаткорлари куй ва қўшиқлар ижро этдилар. Адабий кеча Мирмуҳсининг «Меъмор» романи асосида саҳналаштирилган «Нажмиддин Бухорий» адабий лавҳаси билан якунланди.

● САМАРҚАНД. Бу қадимий шаҳардаги тадбирлар Мир Алишер Навоий хиёбонида ўрнатилган улкан ҳайкал пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Садриддин Айний номидаги адабий анжуман ихлосмандларга катта завқ берди. Дорилмуаллим сардори, профессор Ғани Икромов бошчилигидаги илм аҳллари халқ ёзувчисини муқаддас даргоҳда олқишладилар. Профессорлардан Сайдулла Мирзаев, Раҳим Муқимовлар Мирмуҳсин ижодидаги халқчиллик ва самимийлик фазилатлари ҳақида ўз мушоҳадаларини ўртоқлашдилар. Филология фанлари номзоди Обрўй Эшмуродов адиб ижодиётининг ранг-баранг қирралари ҳақида батафсил маъруза қилди. Куй ва қўшиқлар жўрлигида бўлган мушоира анчагача давом этди.

Ижодкор асарларининг бош қаҳрамонлари шубҳасиз халқ фарзанларидир. Унинг қалами хоҳ ижобий, хоҳ руҳияти салбий бўлган кишиларга қаратилган бўлмасин, доимо ҳаёт билан ҳамоҳангдир. Унинг «Уста Ғиёс» достони, «Меъмор», «Илдизлар ва ярпоқлар», «Умид», «Темир Малик» романлари яқиндагина тақдим этилган «Илон ўчи» асари ва бир қатор шеърий асарлари ҳамиша мухлислар дилида.

Советобод ноҳиясига қарашли Сазоғон қишлоғи меҳнат аҳли, 11-ўрта мактаб ўқувчилари билан бўлган учрашувлар ҳам қизиқарли бўлди. Адиб ўзининг кўп минг сонли мухлислари — тивит рўмоллар тўқийдиган корхонада бўлиб, чеварлар меҳнатига юксак баҳо берди. Сазоғон қишлоғи чегарасида уни район партия қўмитаси котиби С. Холбозоров, халқ таълими бўлими мудири М. Норматов, Али Қушчи номидаги ўрта мактаб директори Х.Раҳмонова ва мактабнинг ўқувчилари самимий кутиб олдилар. То оқшомгача адабий баҳслар қўшиқларга уланди. Мушоира қизиди. Сўлим табиат, шарқираган сой бўйидаги адабий анжуман ғоят ҳаяжонли ўтди.

У. ХАЙРУЛЛАЕВ.

● Осойишталик посбонлари

КЎЧАЛАРДАГИ ОТЛИҚЛАР

Неча йиллардан буён отлар туёғининг товуши кўчаларимизда тиниб қолганди. Бу вафодор жониворларнинг инсонга қанчалар катта кўмак бериши ҳақида ҳатто ўйлашни ҳам унутаёзгандик. Отларнинг инсонга қанчалик яқинлиги, нақадар вафодорлиги, ўз эгасига ўзидан кўра кўпроқ ризқ тилаши ва бошқа кўплаб ажойиб хусусиятлари тўғрисида ота-боболаримиздан эшитганмиз. Мана, бугун халқ осойишталиги ва хотиржамлигини қўриқлайдиган посбонларга бу вафодор йўлдошлар қайтарилди. Чунки участка инспекторларининг юмушлари кўп. Улар халқ тинчлигини қўриқлаш йўлида тиним билмайдилар. Қишлоқма-қишлоқ, маҳаллама-маҳалла кезадилар. Районимизнинг ҳар бир бурчагига уларнинг қадамлари етиши даркор.

Тундами ёки кундузи, истаган вақтда, об-ҳавонинг ҳар қандай шароитида одамларга ёрдамга ошиққан, халқ ва жамоат мулкига кўз олайтирувчиларга, умуман жиноятчиликка ва тартиббузарликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашга отланган милиция ходимига тўрт оёқли жониворлар бундан буён ҳамиша ҳамроҳ бўлади.

Жумҳуриятимизда ижтимоий-сиёсий аҳвол бир мунча мураккаблиги, жиноятчилик ва ҳуқуқ бузилиши ҳоллари камаймаётган бугунги кунда ички ишлар бўлими ходимларига вазиятни барқарорлаштириш, жамоат тартибини сақлаш каби масъулиятли вазифалар юкланган. Тошлоқ район ички ишлар бўлими ходимлари ўз ҳудудларида намунали жамоат тартиби ўрнатиш, оммавий тартибсизликларнинг олдини олиш мақсадида район ички ишлар бўлимида отлиқ взвод тузилди. Жамоа хўжаликларидан еттита от сотиб олинди. Бундан ташқари участка инспекторлари ва вояга етмаганлар билан ишловчи инспекция ходимларига ҳам жамоа хўжаликлари томонидан биттадан от бириктириб қўйилди. Натижада шу йилнинг ўтган икки ой мобайнида содир этилган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5 фоиз камайди.

Шу кунларда район марказида отлиқ милиция ходимлари жамоат тартибини сақлашда фаол иштирок этмоқдалар.

М. МАЪРУФЖОНОВ,
Фарғона вилояти Тошлоқ район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори.

Суратда: (чапдан) милиция сержантлари Анваржон Мўминов ва Толибжон Козимовлар.

А. ҚОСИМОВ олган сурат.

ХИВАДА МЕБЕЛЬ ЯСАЛМОҚДА

● Хивада мебель фабрикаси йўқ, аммо шу ерда тайёрланган мебель пайдо бўлди. Хивадаги бадиий-ёдгорлик буюмлари фабрикасининг усталари чиройли ва мустаҳкам столлар, стуллар, диван кроватлар ва ҳозир тақчил бўлиб қолган бошқа маҳсулотларни ясашни ўрганиб олдилар.

Вилоятнинг барча районларидан одамлар келиб, бундай маҳсулотларни ясашга буюртма бермоқдалар. Бу ерда цех мудири Ботир Вафоев чизмалари ва лойиҳаси асосида мебель тайёрланмоқда. Уларнинг орасида креслолар, ошхона жиҳозлари ва бошқа жиҳозий маҳсулотлар бор. Дурадгорлар Иброҳим Қурёзов, Рустам Ёқубов, Олимбой Отажонов буюртмаларни бажаришда ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар.

Хива фабрикасида аҳоли бажонидил харид қиладиган ўнлаб турдаги буюмлар тайёрланади. Уларни, шу жумладан, мебелни сотиш учун корхона Урганч шаҳрида фирма магазини очди.

(ЎзТАГ).

● Хотира

НОМИ БЕРИЛДИ

Ҳар гал Иноят Хўжаев яшайдиган хонадонга кириб борганимда оний бир туйғу қамраб олади. Унинг ҳарбий кийимидаги сурати хона тўрида виқор билан савлат тўкиб, синчковлик билан боқиб тургандек.

Иноят Хўжаев... Бу табаррук инсон ўз ҳаётини ёшларнинг бахт-саодатига бағишлади, немис фашистларига қарши аёвсиз курашди, совет ва халқ маорифи ташкилотларига раҳбарлик қилди. У «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони ва қатор медаллар билан тақдирланди.

Халқнинг фаровон ҳаёт кечириши йўлида савоб иш қилган сиймолар номи мангуга дахлдордир. Бугун Зарметан қишлоғи ҳудудидан ўтаётган йўловчи фахр билан бу Иноят Хўжаев қишлоғи деса, ёшлар фахрланиб, янги мактаб барпо қилган ажойиб устоз номини фахр билан тилга олади.

Дарҳақиқат, зарметанлик моҳир педагог Иноят Хўжаевнинг босиб ўтган йўли ҳақида ҳар қанча тўлқиниланиб гапирсак оз. Унинг номини элга маълум ва машҳур қилган ҳалол меҳнат ва ташкилотчиликдир.

Қизилтепа район Совети раёсати 15-мактабга республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Иноят Хўжаев номини беришга қарор қилди.

Ш. ҲАБИБОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

● Ҳодиса

НЕГА ЎҚ УЗИЛДИ?

Бухорода милиционер бир одамни отиб қўйибди, деган миш-миш тарқалди... Бу фавқулодда ҳодисани ҳар ким ўзича талқин қила бошлади.

ЎзТАГ мухбири И. Сафаров тегишли мансабдор шахсларга мурожаат қилиб, вазиятни тушунтириб беришни сўради.

Карим Ҳамроев, Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев район ички ишлар бўлими ноҳиравий соқчилик бўлинмасининг инспектори, милиция катта лейтенанти:

— Оқшом чоғи марказий пультга Студентческая кўчасидаги уйларнинг бирига бегона кимса киргани тўғрисида хабар келди. Қўлга олиш гуруҳи ҳодиса юз берган жойга етиб борди. Ўғри қочиши мумкин бўлган йўллар тўсиб қўйилди. Ўғри қандай бўлмасин қочиб кетишга уринди. У ходимлардан бирига пичоқ билан ташланди. Ҳатто огоҳлантириш сифатида осмонга отилган ўқ ҳам уни тўхтатиб қололмади, аксинча, шундан кейин талончи янада тажовузкорона ҳаракат қила бошлади. Ана шундан кейин унга қарата ўқ узилди.

Шавкат Шукуров, Файзулла Хўжаев районининг прокурори:

— Қонун нуқтаи назаридан қараганда милиционер тўғри йўл тутган, зеро унинг жонига қасд қилинаётганлиги аниқ эди. Дастлаб осмонга қарата ўқ узилган, лекин бу жиноятчига таъсир қилмаган... Ҳодиса юз берган жойга менинг ўринбосарим Н. Садиров бошчилигидаги гуруҳ етиб бориб, вазиятни синчиклаб ўрганди. Яна бир бор таъкидлайманки, давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш чоғида қўлланган бундай чора мажбурий мудофаа ҳисобланади ва у қонунга зид эмас. Тергов манфаатлари ҳалоқ бўлган жиноятчининг шахсини ошкор этмасликни талаб қилади. Фақат унинг икки марта судланганлигини ва ҳеч қаерда ишламаганини айтишимиз мумкин.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/IV да Корсар, 13/IV да Кармен, 14 /VI да Этик кийган мушук (12.00), Уйқудаги гўзал (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/IV да Жар, 13/IV да Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 12/IV да Кампир нетармиш, 13/IV да Кулги ва шодлик кечаси, 14/IV да Гул ва Наврўз.

Диний кенгашмалар, Жомеъ масжидлар, вазирликлар, корхоналар, ташкилотлар, ширкатлар, заводлар, фабрикалар, идоралар, колхозлар, совхозлар раҳбарлари ва ҳамма аҳолилар

ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ШАҲАР, ЧИЛОНЗОР НОҲИЯ, СУГАЛЛИ ОТА ДАҲАСИГА «МУХТОРХОН» НОМЛИ ЖОМЕЪ МАСЖИДИ БИРЛАШМАСИНИ ҚУРИШ УЧУН ЛОЙИҲА ВА СМЕТА ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. Оллоҳнинг Ўлуғ ажирли савобларидан бизга ҳам насиб рузи айласин, деб ният қилган кишилар иштирок этишлари мумкин.

Дилларидан чиққан ҳиссаларини холисан ЛИЛ ЛОҲ қўшсалар керак, деган умид билан мурожаат этишни лозим топдик.

Шунинг учун ихтиёрий равишда кўнглингиз хоҳлаганича аталган суммани БАНК, ПОЧТА орқали Чилонзор ноҳиясидаги саноат қурилиш БАНКАСИ бўлимининг 000701901 сонли ҳисоб рақамига. МФО 734310 «МУХТОРХОН» номли Жомеъ Масжиди БИРЛАШМАСИга, деб ўтказишларингиз мумкин. Ўзларингиз шахсан келтириб топширсангиз ҳам бўлади.

Манзилимиз: 700117, Тошкент шаҳри, Чилонзор ноҳияси, Якка боғ кўчаси, 36-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар йўқ. Келиб ёки БИРЛАШМА РАИСИ МУХТОР МЎМИНХЎЖАЕВ номига хат ёзиш орқали оласизлар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ

кенг қамровли безатувчи рассомлар (реклама, кўргазмалар, ясатиш, графика, шрифтлар билан боғлиқ ишлар, қадоқлаш, макет) **тайёрлайдиган**

КУНДУЗГИ ТЕЗКОР ДОРИЛФУНУНГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ёши, маълумоти, малакасидан қатъий назар барча хоҳловчилар қабул қилинадилар. Ўқишни битирганларга диплом берилади. Олдиндан берилган талабномага мувофиқ бошқа шаҳардан келганларга бир ўқув ойи учун меҳмонхонадан жой берилади.

Ўқиш ва яшаш учун алоҳида тингловчилар билан бир қаторда ташкилотлар ҳам ҳақ тўлашдари мумкин.

ДАСТЛАБКИ ЙИҒИЛИШ — 14 АПРЕЛЬ СОАТ 16.00 да бўлади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Марказ-14, А. Қодирий кўчаси, 13-уй, Лекторлар уйи, 83-хона. Маълумотлар олиш учун телефон: 44-55-31.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Адабиёт илмгоҳи жамоаси илмий ходим

Ҳабибулла УЗГАНБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекбирлашув» Бошқарув ҳайъати, фирқа ва касаба уюшмалари қўмиталари Бошқарув ҳайъати аъзоси, бош савдо бошқармаси бошлиғи Қ. А. Усмоновга отаси

Ахмад УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳи жамоаси илмий ходим Т. Р. Бекмуродовга ўғли

АБДУРОЗИҚЖОНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5207.

№ 71. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12